БУГУНГИ СОНДА:

Ҳукумат мажлисида қиш мавсумига тайёргарлик топшириғи берилди 3

Халқларимиз эришган Буюк Ғалабага 72 йил тўлади 7

Барча турдаги нафақа маблағлари солиқлардан озод этилган 8









# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 18 (20022) 2017 йил 4 май.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган





# ПОЙТАХТДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ



## Олий суд янги биноси қурилиши бошланди

***28 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали билан биргаликда бир қатор муҳим иншоотлар очилиши ва қурилишининг бошлаб берилиш маросимида иштирок этди.***

Дастлаб Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ва Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали пойтахтнинг Исмоил Сомоний ноҳиясидаги Шевченко кўчасида Тожикистон Республикаси Олий суди янги биноси қурилишини бошлаб беришди.

Мамлакат Президентига лойиҳа бўйича Олий суд биноси ўн олти қаватли бўлиб, умуман, унда 450 нафар ходим учун иш кабинетлари, 500 ўринли мажлислар зали, 8та суд мажлиси зали, архив, кутубхона, электрон кутубхона, қишки боғча, 70 ўринли ошхона ҳамда 30та автомашина учун ерости машиналар туриш жойи ташкил қилиниши билдирилди.

Баландлиги 72,6 метр ва умумий майдони 17952 квадрат метрни ташкил қилувчи мазкур иншоот қурилиши учун Шевченко кўчасида 0,37 гектар ер ажратилган.

Қурилиш ва пардозлаш ишларининг дастлабки қиймати 73 миллион 858 минг сомонийни ташкил қилади.

2016 йили қурилиш ишлари бошланиши учун 2 миллион 346 минг сомоний ажратилган бўлиб, 2017 йилда 8 миллион сомоний ажратилиши назарда тутилган. 2017 йил 1 апрел ҳолатига биноан, 964 минг сомоний ҳажмида қурилиш-монтажлаш ишлари ижро этилган.

Бинони безатишда турли декоратив тошлар, ёғоч ва гипсдан тайёрланган материаллардан фойдаланилади.

Олий суд биноси лойиҳаси билан танишувдан кейин, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон мутахассислар ва ишчиларга қурилиш чоғида бажарилаётган ишлар сифатига биринчи даражали эътибор қаратишни топширди.

## Шоҳмансур ноҳиясида замонавий мактаб қурилади

***28 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали билан биргаликда Душанбе шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасида пойтахтнинг Шоҳмансур ноҳияси 31-ўрта умумтаълим муассасаси қурилишини расман бошлаб берди.***

Иншоот буюртмачиси Душанбе шаҳри капитал қурилиш бошқармаси ҳисобланиб, мактаб лойиҳаси "Душанбешаҳрсоз" илмий-тадқиқот ва лойиҳавий институти ДУК томонидан ишлаб чиқилган.

Миллат пешвосига мазкур мактаб бир сменада 1280 нафар ўқувчи учун мўлжалланиб, унинг қурилиши икки босқичда амалга оширилиши маълум қилинди.

2

## Сирожиддин Асловнинг Ашхободга сафари

Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Ташқи ишлар вазирлари 6-мажлиси - "Марказий Осиё+Япония" диалогида иштирок этди.

Ташқи ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, Марказий Осиё мамлакатлари ва Япония ташқи ишлар вазирлари Туркманистоннинг Диалогга раислигига якун ясашиб, минтақавий ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини белгилаб олишди. Бу йўналишда Япония Ҳукуматига Марказий Осиё мамлакатларининг Устувор тараққиёт мақсадларига эришиш ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш бўйича ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорчилик билдирилди.



С. Аслов ўз чиқишида Диалог иштирокчи мамлакатлари ўртасида икки томонлама ва кўп қиррали ҳамкорликларни кенгайтириш муҳимлигини қайд қилди. У Диалог имкониятларидан минтақавий ҳамкорлик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим унсурлари бўлган савдо-иқтисодий, энергетик, қишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар, транспорт-коммуникацион соҳалардаги ўзаро самарали алоқаларни мустаҳкамлаш учун тўлиқ ҳажмида фойдаланишга чақирди.

Диалог иштирокчи мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари Тожикистоннинг 2017-2018 йиллар учун раис мамлакат лавозимига киришиши ҳамда Марказий Осиё ва Япония ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги 7-мажлиси 2018 йили Душанбе шаҳрида ўтказилишини маъқуллашди.

## Тантана тадбирлари

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида Буюк Ғалабанинг 72 йиллигига бағишланган тадбирларда Тожикистон Республикасидан бу йил фақат бир нафар уруш фахрийси - "Ховар" Тожикистон миллий ахборот агентлигининг собиқ ходими, Ленинград қамали иштирокчиси Олег Соболев иштирок этади. Бу ҳақда Уруш ва меҳнат фахрийлари республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Вали Сайёрабеков маълум қилди.



Унинг сўзларига кўра, Тожикистонда бугунги кунда 449 нафар уруш иштиркчилари ҳаёт бўлиб, шундан 443 нафари Тожикистон фуқаролари, бир нафардан Россия ва Қозоғистон фуқаролари бор. Қаҳрамонлар умумий сонидан беш нафари Ленинград қамалидан озод этишда иштирок қилишган.

"Бугун урушнинг энг ёши улуғ иштирокчиси 117, энг кичиги 90 ёшда. Аксарият қаҳрамонлар кексайиб қолганликлари туфайли мустақил ҳаракатлана олишмайди. Шунинг учун, жорий йилда Тожикистон Республикасидан атиги бир нафар қаҳрамон - 93 ёшга кирган Олег Соболев қатнашади. У уруш иштирокчиси бўлибгина қолмасдан, балки журналист, публицист, уруш тўғрисида бир қатор китоблар, очерклар ва мақолалар муаллифи ҳамдир",- изоҳ беради Вали Сайёрабеков.

## Ғалаба - ватандўстлигу жипслик рамзи

Ички ишлар вазирлигининг Хатлон вилоятидаги бошқармаси ходимларининг Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва вилоят ички ишлар органлари ветеранлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, йиғилишда Ички ишлар вазирлигининг Хатлон вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Исмат Мируллоев иштирокчиларни Ғалабанинг 72 йиллиги билан самимий табриклар экан, Буюк ғалаба куни ватандўстлигу жипслик ва синмас ирода рамзи бўлиб, ёшу қарининг қалбида ватанпарварлик туйғусини уйғотишини таъкидлади.

Хатлон вилояти уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раиси Абдулвоҳид Шодиев фақатгина бирлигу самимият ва биродар республикаларнинг қўллаб-қувватлаши,



ватанпарварларнинг ўз жонларини қурбон қилганликлари туфайлигина ғалаба таъминланганини изҳор қилди.

Иштирокчилар урушнинг мудҳиш кунларини эсга олишиб, уруш ҳар доим ёмон оқибатлар: хароблик ва қашшоқлик келтиришини зикр этишди.

## Душанбеда Ўзбекистон маданияти кунлари

Икки дўст мамлакат - Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқалар янада кенгаяди. Шу муносабат билан 10 май куни мамлакатимиз пойтахтидаги С.Айний номли Давлат опера ва балет академик театрида Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги маданияти кунлари "Янги Ўзбекистон" номли расмлар кўргазмаси билан тантанали равишда очилади.



**Таниқли лирик хонанда ва актриса Севинч Мўминова**

Тожикистон Республикаси Маданият вазирлигининг хабар беришича, Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида мамлакатимизга Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Маҳмуд Намозов, таниқли қўшиқчи ва актриса Севинч Мўминова ҳамда "Ўзбекистон" тарона ва рақс давлат ансамбли ташриф буюрадилар.

Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида ушбу мамлакат кино кунлари ҳам "Ота" филми намойиши билан бошланиб, давом этиши кутилмоқда. Шунингдек, ўзбек санъаткорлари 11 май куни Хатлон вилояти маъмурий маркази-Қўрғонтепа шаҳрига ҳам сафар уюштириб, ушбу шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун концерт дастури намойиш этадилар.

Тожикистондаги Ўзбекистон Республикаси маданияти кунлари 13 майга қадар давом этиб, ундан кўзланган асосий мақсад икки дўст, биродар ва қўшни мамлакатларнинг маданий алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат.




## Шашмақом кунига бағишланган концерт

Жорий йилнинг 11 май куни Садриддин Айний номли Давлат опера ва балет академик театрида Шашмақом кунига бағишланган концерт дастури бўлиб ўтади. Бу борада, мамлакат Маданият вазирлигидан хабар беришди.



Манбанинг келтиришича, концерт дастурида Тожикистон Давлат филармонияси "Шашмақом" ансамбли, Т.Сатторов номли Тожикистон Миллий консерваторияси талабалари ва ёш шашмақомхонлар иштирок этадилар. Шунингдек, концерт дастурида "Лола", "Зебо" ва "Базморо" рақс ансамбллари ҳам чиқиш қилишлари назарда тутилган.

## Миллий бирлик - жамият устуворлиги ва тараққиёти асоси

Тожикистон Республикаси Миллий хавфсизлик давлат комитетининг Олий чегара институтида "Миллий бирлик - жамият устуворлиги ва тараққиёти асоси" мавзусида республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.




Конференцияда олимлару сиёсатшунослар, МХДК Олий чегара институти, Олий мактаби, Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий институти студентлари сўзга чиқишди.

Миллий бирлик ва тинчлигу осойишталик мустақиллик даврининг буюк ютуғи бўлиб, уни ҳимоялаш ва эҳтиром этиш ҳар бир ватанпарварнинг вазифаси эканлиги зикр этилди. Зеро, фақат Миллий бирлик бугунгача тинчлигу хотиржамлик ва озоду обод юртда яшашимиз учун асос бўлди.

Иштирокчилар Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Миллий бирлик мустаҳкамланиши ва устуворлигидаги роли ҳақида эслатар эканлар, Давлат бошлиғининг бевосита саъй-ҳаракатлари билан тожик миллати бирлашиб, Тожикистоннинг пароканда бўлиб кетиши олди олинганини зикр этишди.

Конференцияда, шунингдек, ёшларнинг турли хил террорчилигу экстремистик оқимлар ва ҳаракатларга жалб этилишлари, гиёҳвандлигу бошқа номатлуб амалларнинг кўпайгани борасида студентлар ва иштирокчилар ўртасида савол-жавоб ўтказилиб, унинг зарарлари ва ёмон оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритилди.

## "Сомон Эйр" Душанбе-Москва ҳаво парвозини тиклади

"Сомон Эйр" авиакомпанияси Душанбе-Москва йўналиши бўйлаб парвозларни қайта тиклаш ҳақида хабар берди.

Мазкур компания матбуот хизматидан маълум қилишларича, Москва томон парвоз душанба, чоршанба, жума ва якшанба, чунончи, Хўжанд-Москва йўналиши бўйлаб душанба, чоршанба ва жума кунлари йўлга қўйилади. Қайта тикланган парвозлар 3 май, чоршанба куни амалга оширилди. Шу тарзда, "Сомон Эйр" авиакомпанияси Душанбе-Москва-Душанбе йўналиши бўйлаб парвозларни ҳафтасига 4 марта ва Хўжанд-Москва-Хўжанд йўналиши бўйлаб эса, уч марта йўлга қўяди. Душанбедан Москвага парвоз вақти 08:00, Москвадан Душанбега эса, 12:05, Хўжанддан Москвага соат 21:00да ва Москвадан Хўжандга 01:00да амалга оширилади.



Айни пайтда "Сомон Эйр" авиакомпанияси Тожикистондан Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Хитой, Россия ва Қозоғистонга муваффақиятли парвозларни амалга ошириб келмоқда.

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

# ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

***27 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ва Корея Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи-Бош вазири Хван Гё Ан икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик телеграммалари йўллади.***

***Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Корея Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи-Бош вазири Хван Гё Ан номига йўллаган табрик телеграммасида, жумладан, шундай дейилади:***

-"Жаноби олийлари!

Тожикистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигига йигирма беш йил тўлиши мен учун Сизга ўзимнинг табригимни йўллашга қулай имконият берди.

Чорак аср олдин, 1992 йилнинг 27 апрелида мамлакатларимиз икки томонлама давлат муносабатларини сифат жиҳатидан янгича йўлга қўйди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз шерикчилиги томонлар диққат марказидаги турли соҳаларни қамраб олиб, бугун ўзининг устувор тараққиёт босқичида турганлиги қувонарлидир.

Тожикистон бу босқичнинг янада такомилланишини истайди ҳамда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатлари учун янада қулай шароит яратиш мақсадида келажакда ҳам доимий саъй-ҳаракат қилишга тайёр.

Табригим сўнгида, Сизга, Жаноби олийлари соғлиқ, бахт-саодат ва Корея Республикасининг дўст халқига фаровонлик ва тараққиёт тилайман".

***

***Корея Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи-Бош вазири Хван Гё Аннинг Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон номига йўллаган табригида, шундай дейилади:***

-"Жаноби олийлари!

Мен жорий йил Корея Республикаси ва Тожикистон Республикаси дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 25 йиллигини нишонлаётганлигидан хурсандман.

Мамлакатларимиз дипломатик алоқалар ўрнатилгандан сўнг дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда ҳар томонлама ривожлантирди. Сизнинг 2015 йил март ойидаги Корея Республикасига уюштирган сафарингиз доирасида томонлар Иқтисодий ва илмий-техник соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни имзолаб, шу билан бирга, Тожикистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси фаолият бошлаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу эса, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай замин яратиб берди.

Мен шу асосда ҳамда Иқтисодий ва илмий-техник соҳалардаги ҳамкорликларга оид давлатлараро комиссия мажлиси натижаларига таянган ҳолда, турли соҳалардаги фойдали муносабатларни кенгайтиришимизга ишончим комил.

Дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги ва жорий йилга тўғри келадиган кореяликларнинг Марказий Осиёга муҳожир бўлганликларига 80 йил тўлиши арафасида ҳар тмонлама муносабатларимиз тараққиёти йўлида хизмат қиладиган дўстлик, бир-бирини тушунишлик ва ҳамкорликларимиз янада такомиллашишига умид билдириб қоламан. Жаноби олийларига, саломатлик ва мамлакатингизга чексиз фаровонлик тилайман".

***

***29 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ва Белгия Қироли Филипп Леопold Людовик Мария мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик телеграммалари йўллашди.***

***Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Белгия Қироли Филипп Леопold Людовик Мария номига йўллаган табрик телеграммасида, жумладан, шундай дейилади:***

-"Ҳазрати олийлари!

Тожикистон Республикаси ва Белгия Қироллиги муносабатларида муҳим тарихий сана - дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Сизга, Ҳазрати олийлари самимий табригим ва энг эзгу тилакларимни катта хурсандчилик билан йўллаяпман.

Белгия Қироллиги Тожикистон Республикаси мустақиллигини Европа давлатлари орасида биринчилардан бўлиб тан олди. Бу эса, мамлакатларимиз ўртасида сифатан янги давлатлараро муносабатлар ривожланиши ва мустаҳкамланишини бошлаб берди.

Ўтган давр мобайнида Тожикистон ва Белгия дўстона муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликлари сиёсий, иқтисодий ва илмий-маданий соҳаларда босқичма-босқич ривожланиб борди.

Европа Иттифоқи асосчиси ва муҳим давлатлардан бири бўлган Белгия билан алоқаларни келгусида ривожлантириш Тожикистон учун ҳам яқин ва ҳам узоқ истиқболда ўзига хос аҳамиятга эга.

Сизга, Ҳазрати олийлари мустаҳкам соғлиқ, ёрқин кунлар, Белгия дўст халқи гуллаб-яшнаши ва тараққиётини таъминлаш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман".

***

***Белгия Қироли Филипп Леопold Людовик Марияниng Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон номига йўллаган табрик телеграммасида шундай дейилади:***

-"Жаноби олийлари!

2017 йилда Белгия ва Тожикистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонлаётганимиздан хурсандман.

Ушбу давр мобайнида бир-биримизни боғловчи ришталарни мустаҳкамлаш ва мунтазам равишда бойиб бораётган ўзаро тушуниш туйғусини чуқурлаштирган ҳолда, мамлакатларимиз турли соҳалардаги ҳамкорликларни ривожлантиришнинг уддасидан чиқишди.

Тожикистон халқига энг эзгу тинчлик ва гуллаб-яшнаш тилакларимни яна бир марта етказиш учун ушбу хурсандчилик айёмидан фойдаланишни истардим".

*"Ховар" ТМАА.*

## Ҳамдардлик телеграммаси

**29 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев номига ҳамдардлик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

-"Ҳурматли Алмазбек Шаршенович!

Дўст Қирғизистоннинг Ўш вилоятида тепалик ўпирилиши оқибатида одамларнинг қурбон бўлганликлари ҳақидаги хабарни Тожикистонда чуқур қайғу билан қабул қилдик.

Ушбу фожиа натижасида ҳалок бўлганлар яқинлари ва қариндошларига бизнинг самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраб, жабрланганларнинг тез фурсатда тузалиб кетишларини тилаймиз".

*"Ховар" ТМАА.*

# ПОЙТАХТДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

◄1

Лойиҳа бўйича биринчи босқичда бир сменада 656 нафар, иккинчи босқичда эса, 624 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган таълим корпуси қурилади.

Янги мактабнинг лойиҳавий қиймати 46 миллион сомонийни ташкил қилади.

Миллат пешвоси масъул шахсларга қурилиш ишларини сифатли олиб бориш ва иншоотни 2018 йилнинг 1 сентябригача фойдаланишга топшириш борасида аниқ топшириқлар берди.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтнинг Шоҳмансур ноҳияси 31-мактаби 1937 йили қурилган ва 390 нафар ўқувчи учун мўлжалланган. Бироқ бугун бу ерда икки сменада 1133 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Аҳолининг сўнгги 10 йилдаги эҳтиёжини эътиборга олган ҳолда, Тожикистон Республикаси Ҳукумати Душанбе шаҳрида яна битта янги замонавий мактаб қуриш қарорини қабул қилди.



Давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи раҳбариятининг ташаббусига биноан пойтахт аҳолисининг яна бир азалий орзуси амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида давлат ва мамлакат Ҳукумати олий раҳбариятининг маърифатпарвар сиёсати доирасида замон талабларига жавоб берувчи юзлаб янги ўқув муассасалари қурилиб, уларда мамлакатимизнинг ўсиб келаётган ёш авлоди таҳсил олмоқда.

## Тожикистон ва Британия халқаро мактаби

***Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали билан биргаликда пойтахтнинг Шоҳмансур ноҳияси Тўрақул Зеҳни кўчасида бир сменада 420 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган Тожикистон ва Британия халқаро мактаби қурилишини бошлаб берди.***

Муассаса қурилиши лойиҳаси тақдимот маросимида Миллат пешвосига иншоот бир йил мобайнида қурилиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши маълум қилинди.

Қурилиш ишлари қиймати 9 миллион сомонийни ташкил қилиши, иншоот қурилишига 300 ишчи жалб этилиши қайд қилинди.

Тожикистон ва Британия халқаро мактаби ертўлага эга бўлган иккита беш қаватли бинодан ташкил топиб, унинг умумий майдони 6 минг 500 квадрат метрни ташкил қилади.

Қурилиш учун 1 минг 700 квадрат метр майдон ажратилган. Тожикистон ва Британия халқаро мактаби лойиҳаси "Меъморий ва шаҳрсоз" очиқ ҳиссадорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, "Маркази таълимии Ганжина" МЧЖ иншоот пудратчиси ҳисобланади.

Давлат бошлиғи қурувчилар билан суҳбат чоғида уларга иншоотни сифатли қуриш борасида топшириқ бериб, иншоот бунёд этилишида юқори сифатли қурилиш материалларидан фойдаланишни бинонинг узоқ хизмат қилиши муҳим омилларидан бири, дея атади.

Муассаса фойдаланишга топширилганидан кейин, 90 нафар киши доимий иш жойи ва яхши ойлик маош билан таъминланади.

Иншоотнинг ертўласида хорижий тиллардаги бадиий адабиётлар кутубхонаси ҳамда Европанинг машҳур кутубхоналарига уланган электрон кутубхона ташкил қилинади.



Таълим муассасасининг ўқув синфхоналари ва фан лабораториялари энг янги ускуналар, жумладан, компютер, электрон тахта ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминланади.

Шу тарзда, Тожикистон ва Британия халқаро мактаби ташкил қилиниши ва фаолият бошлаши Тожикистонда маориф соҳаси тараққиётига жиддий туртки беради. Янги давр талаблари ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри таълим бериш ва тарбиялаш мақсадида бизни маориф соҳасига жиддий эътибор қаратиш, мамлакатдаги таълим жараёнини халқаро стандарт талабларига мослаштиришга ундайди.

Мазкур таълим муассасасига Британиянинг энг яхши ўқитувчилари ва тажрибали педагоглари жалб этилиб, улар дарс ва машғулотларни илғор таълим усуллари ва дастурлари асосида олиб боришади.

Истиқболда, британиялик шериклар билан дастлабки келишув бўйича мазкур мактаб базасида Буюк Британия олий касбий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш учун кириш имтиҳонлари ўтказилиши ҳам режалаштирилмоқда.

## "Миллий референс лаборатория" давлат муассасаси очилди

***Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали билан биргаликда тиббий шаҳарча ҳудудида Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг "Миллий референс лаборатория" давлат муассасасини тантанали тарзда очиб берди.***

Мазкур янги замонавий тиббий иншоотда қурилиш ишлари 2014 йили бошланиб, 2016 йилда охирига етказилди. "Миллий референс лаборатория" замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозлангандан кейин Миллат пешвоси томонидан фойдаланишга топширилди.

Лаборатория биноси умумий қиймати 23,8 миллион сомонийни ташкил қилиб, шундан 7 миллион 857 минг сомонийси қурилиш-монтажлаш ишлари, 16 миллион сомонийси - иншоотни Германия компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун йўналтирилган.

Иншоот буюртмачиси Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппарати Ҳукумат иншоотлари қурилиши бўйича дирекцияси ҳисобланиб, "ПИЛЖСАНИИОСП"ОҲЖ лойиҳавий институт унинг лойиҳаловчисидир.

Мазкур лабораториянинг вазифаси барча клиник, биохимик, бактериологик ва вирусологик таҳлилларни амалга оширишдан иборат.

Лабораторияда барча иш шароитлари мавжуд бўлиб, унинг замонавий ускуналари энг кам иш кучидан фойдаланган ҳолда, халқаро стандартларга жавоб берувчи аниқ ташхисни амалга оширишга имконият яратади.

Ертўлага эга бўлган мазкур уч қаватли бинонинг умумий майдони 1610 квадрат метрни ташкил қилади.

Бинонинг биринчи ва иккинчи қаватларида лабораториялар ва иш кабинетлари, учинчи қаватида - лаборатория, иш кабинетлари ва таълим синфхоналари жойлашган.

"Миллий референс лаборатория" давлат муассасасида 60 нафар малакали маҳаллий мутахассислар иш жойи ва яхши ойлик маош билан таъминланди. Лабораториянинг барча ходимлари энг янги ускуналар билан ишлаш учун ишлаб чиқариш компанияларида ўқув курсидан ўтишди.

Суҳбат чоғида Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмон лаборатория ходимларини яна битта замонавий тиббий марказ очилиши билан табриклаб, уларни халқ манфаатларига содиқ хизмат қилишга ҳидоят этди.



## Тиббиёт университетининг бош таълим корпуси қурилиши бошланди

***Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали билан биргаликда Абуали ибн Сино номли Тожикистон Давлат тиббиёт университетининг бош ўқув корпуси қурилишини бошлаб берди.***

Қурилиш лойиҳаси билан танишув чоғида мамлакат Президентига бош корпус қурилиши умумий қиймати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 85 миллион 416 минг сомонийни ташкил этиши маълум қилинди.

Иншоот учта тўққиз ва тўрт қаватли корпуслардан иборат бўлади. Абуали ибн Сино номли Тожикистон Давлат тиббиёт университети ҳудуди 10,37 гектарни, унинг иншоотлари майдони 15900 квадрат метрни, қурилишга ажратилган майдон эса, 3643 квадрат метрни ташкил қилади.

Бош корпусда 1000 ўринли мажлислар зали, иш кабинетлари, таълим синфхоналари, ўқиш залига эга бўлган кутубхона ҳамда кичик таълим синфхоналари қурилиши назарда тутилган.

Иншоот ҳудудида, шунингдек, учта янги таълим корпуси, 300 ўринли ошхона, тўртта 12 қаватли ётоқхона, ўқитувчилар учун иккита турар жой биноси, спорт майдончаси ва зали, сузиш ҳавзаси, лаборатория биноси, теннис корти қурилиши, хўжалик участкаси ва боғи барпо этилиши назарда тутилган. Бундан ташқари, университетга асосий кириш жойида Абуали ибн Сино ҳайкали ўрнатилади.

Иншоот буюртмачиси "СТС иншоот" ҳисобланиб, унинг лойиҳаси "Шаҳрофар" очиқ ҳиссадорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилган.

2017 йили мазкур иншоот қурилишига республика бюджети маблағлари ҳисобидан 10 миллион сомоний ажратилиши назарда тутилган. Бош корпус лойиҳаси давлат қурилиш экспертизасидан ўтган бўлиб, амалга татбиқ этиш учун тайёр.

Миллат пешвоси қурувчиларга қурилиш ишлари сифатига биринчи даражали эътибор қаратишни топширди.

Давлат бошлиғининг фикрига кўра, илғор тиббий ускуналар билан жиҳозланган мазкур замонавий таълим муассасаси халққа узоқ йиллар хизмат қилиши керак.

## Пойтахт кўчаларида йўллар таъмири билан танишув

***28 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон иштирокида Душанбе шаҳрининг Сино ноҳияси Муродулло Шерализода кўчаси бўйлаб автомобил йўллари реконструкцияси бошланди.***

Мазкур автомобил йўли реконструкцияси "Элит-Строй-Сервис" МЧЖ раҳбари Иззатулло Давлатовнинг бунёдкорона ташаббусларидан ҳисобланади. Умуман, бу маҳаллий тадбиркор томонидан Душанбе шаҳрининг 15 километр автомобил йўли реконструкцияси амалга оширилади.

Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмон ва Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали реконструкциянинг лойиҳавий нозикликлари билан танишув чоғида мазкур йўл таъмирини сифатли охирига етказиш борасида фойдали маслаҳатлар ва кўрсатмалар беришди.

Лойиҳа бўйича Душанбе шаҳрининг таъмирга муҳтож тўққизта кўчасининг автомобил йўли "Элит-Строй-Сервис" МЧЖ томонидан реконструкция қилинади. Умуман, 141 минг квадрат метр майдон реконструкцияси амалга оширилади. Ушбу кўчаларда йўл четлари, бетон ва металл ариқчаларни қайта тиклаш ҳамда йўлларни асфалтлаш ишлари бошланди.

"Асфалт-бетон завод" ёпиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбари Тоҳир Ҳукуматов билан биргаликда пойтахтнинг Сино ноҳиясининг 15 километр масофага эга 10та кўчаси автомобил йўллари реконструкцияси давом этмоқда. Бугунги кунгача Юсуф Вафо ва Пахтакор кўчалари бўйлаб таъмирлаш ишлари охирига етказилган бўлиб, бошқа участкаларда қурилиш ишлари давом этмоқда.

Жорий йилнинг 15 февралида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи тузилмалари масъул шахслари ва фаоллар билан учрашувида тадбиркорлар пойтахт кўчалари ва хиёбонларидаги автомобил йўллари қурилишига ҳисса қўшишдан манфаатдор эканликларини изҳор этишган.

Миллат пешвосига айни пайтда Душанбе шаҳри йўллар ва кўприклар қурилиш, реконструкция, капитал ва жорий таъмири бошқармаси томонидан 587 минг квадрат метр майдонда 23,98 километр автомобил йўллари реконструкцияси ва қурилиши давом этаётгани маълум қилинди. Ишлар давом этаётган 12та участкада замонавий техникадан тўлиқ фойдаланилаётган бўлиб, ишлар сифатига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи ва маҳаллий тадбиркорлар барча мавжуд захира ва имкониятлар, замонавий техникаларни сафарбар этган ҳолда, пойтахтнинг 4та ноҳиясида автомобил йўллари қурилиши ва реконструкциясини давом эттиришмоқда.

***

***Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали билан биргаликда пойтахтнинг Исмоил Сомоний ноҳиясида Саидқул Турдиев ва Ҳамид Маҳмудов кўчалари бўйлаб йўллар таъмири ва реконструкциясининг борищи билан танишди.***

Таъкидлаш жоизки, мазкур автомобил йўллари таъмири ва реконструкцияси Миллат пешвосининг топшириқ ва кўрсатмалари доирасида "Роҳи тожик" МЧЖ даромадлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Мамлакат Президентига бу йўналишдаги ишлар икки ой илгари бошланиб, давлат мустақиллигининг навбатдаги байрамигача тўлиқ охирига етказилиши борасида маълум қилинди.

Бугунги кунгача мазкур кўчаларнинг 4та йўлакларида ишлар охирига етказилган бўлиб, қолган яна 15та йўлак асфалтлаш учун тайёрлаб қўйилган. Умуман, бош йўллар билан бир қаторда, пойтахтнинг Исмоил Сомоний ноҳияси Саидқул Турдиев ва Ҳамид Маҳмудов кўчаларига қарашли яна 50та йўлаклар таъмири ва реконструкцияси амалга оширилиши таъкидланди.

Таъкидлаш жоизки, Миллат пешвосининг Душанбе шаҳри фаоллари ва мамлакат тадбиркорлари билан учрашуви чоғида ватанпарвар тадбиркорлар пойтахт йўллари таъмири ва реконструкциясига ҳисса қўшишга тайёрликларини билдирганди.

Хусусан, "Роҳи тожик" МЧЖ раҳбари, тадбиркор Қурбонмурод Неъматзода томонидан пойтахтнинг 40 километр йўли, шундан 20 километри 2017 йилда, қолган 20 километри 2018 йилда реконструкция қилинади.

Умуман, ватанпарвар тадбиркорлар томонидан йўл қурилиши замонавий меъёрлари талаблари доирасида 70 километр автомобил йўли реконструкция қилинади.

Пойтахтнинг Исмоил Сомоний ноҳияси Саидқул Турдиев ва Ҳамид Маҳмудов кўчаларида 21 километр автомобил йўли реконструкцияси амалга оширилади.

Бундан ташқари, мазкур лойиҳа доирасида йўловчилар йўлакларини асфалтлаш, сув ташлаш ва сув оқиб тушадиган иншоотларни алмаштириш, ёритиш ишларини олиб бориш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш назарда тутилган.

Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон қурувчилар билан суҳбат чоғида улар эътиборини ишларни сифатли якунлашга қаратар экан, масъул шахсларга ишлар ижроси боришининг жиддий назоратини йўлга қўйиш топшириғини берди.

*"Ховар" ТМАА.*

# ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ МАЖЛИСИ

***27 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, мамлакат Президенти, Тожикистон Республикаси Ҳукумати Раиси муҳтарам Эмомали Раҳмон бошчилигида Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлис аввалида кадрлар масаласи кўриб чиқилиб, Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Хотин-қизлар ва оила комитети ҳайъатининг янги таркиби тасдиқланди.

Ҳукумат мажлисида Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикаси Ҳукумати тўғрисида"ги Конституцион қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституцион қонуни лойиҳаси тўғрисида, "Тожикистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Тожикистон Республикасининг "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Тожикистон Республикасининг "Фуқаролик ҳолати давлат қайди далолатномаси тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", Тожикистон Республикасининг "Йўл ҳаракати тўғрисида"ги қонуни лойиҳалари тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари маъқуланиб, Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлисига кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида Қатар Давлатида ишчи кучини тартибга солиш тўғрисидаги келишув лойиҳаси бўйича мамлакат Меҳнат, муҳожирлик ва аҳолини иш билан таъминлаш вазири Сумангул Тағойзоданинг ҳисоботи тингланди. Давлат бошлиғи мазкур келишув аҳамияти Тожикистоннинг Қатар Давлатидаги ишчи кучини тартибга солиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлар экан, мамлакат масъул тузилмалари раҳбарларига меҳнат муҳожирлиги соҳасидаги ушбу ҳукуматлараро келишувнинг қонуний кучга кириши учун зарур чора-тадбирларни қабул қилиш топшириғини берди. Ҳамкорлик тўғрисидаги мазкур келишувнинг имзоланиши икки дўст ва биродар давлат - Тожикистон ва Қатарнинг ўзаро манфаатга эга бўлган соҳалардаги икки томонлама муносабатларини келгусида ривожлантириш ва кенгайтиришга ҳисса қўшиши қайд қилинди.

Ҳукумат аъзолари, шунингдек, Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг соҳани ривожлантириш, жумладан, ахборот алмашиш, божхона жараёнларини соддалаштириш, тажриба, тадқиқот алмашиш ва божхона ҳуқуқбузарликлари олдини олишга йўналтирилган "Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Божхона хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона комитети ўртасида божхона ишларида ҳамкорликлар ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги протокол лойиҳаси тўғрисида"ги қарори лойиҳаси билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилишди. Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг "Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Божхона хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона комитети ўртасида ўзаро савдо божхона статистикаси маълумотларини солиштиришда ўзаро ҳамкорликлар протоколи лойиҳаси тўғрисида"ги бошқа қарори лойиҳаси мамлакатлар ўртасида божхона статистик ахборотларни алмашиш, икки томонлама ташқи савдо оборотининг ҳақиқий ҳолатини тўғри аниқлаш, маҳсулотлар ва транспорт воситалари контрабандаси олдини олиш, иқтисодиёт реал ўсиши ҳолати таҳлили, савдо-тўлов балансини ишлаб чиқиш, солиқ ва божхона қонунчилигига риоя этишга йўналтирилган.

Сўнгра Тожикистон Республикасида 2013-2020 йиллар учун наркотик моддалар ноқонуний савдосига қарши кураш бўйича миллий стратегияни амалга татбиқ этиш бўйича соҳавий дастурлар, Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси комитетига фавқулодда ҳолатлардан огоҳлантириш ва унга сезгирлик қилиш тезкор хизмати рақами сифатида "112" оператив қисқа ягона рақамни белгилаш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисда, шунингдек, Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида миллий анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонунининг амалга татбиқ этилишининг бориши, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тармоқларининг 2017-2018 йиллар кузги-қишки мавсумига тайёргарлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида миллий анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонунига, айниқса, давлат хизматчилари томонидан риоя этилиши жараёнидан ташвиш изҳор қилинди. Шу сабабли, аксар ҳолатларда қонунга риоя қилмаётган мансабдор шахслар, Ҳукумат аъзолари, Намояндалар мажлиси депутатлари, давлат хизматчилари ҳамда уларнинг фарзандлари ва яқин қариндошлари бўлиб, улар ўзбошимчалик билан дабдабали маросимлар ўтказишлари, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасликлари, фарзандларининг ўқув муассасаларига қимматбаҳо автомашиналарда келишларига имкон яратиб бераётганликлари таъкидланди. Шу муносабат билан Давлат бошлиғи мамлакатнинг амалдаги қонунчилиги талаблари қатъий риоясини таъминлаш, ҳар қандай халқ ва миллий тантаналару маросимлар ўтказилишини тартибга солиш ва қонун талабларига мувофиқлаштириш, айниқса, мансабдор шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарлар, ота-оналар ва уларнинг фарзандларига нисбатан интизом масъулияти ва маъмурий жарималар кўрсаткичларини кучайтириш борасида қатъий кўрсатмалар берди.

Бундан кейин Тожикистон Республикаси Ҳукумати аъзолари, Олий Мажлис Намояндалар мажлиси депутатлари, Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Миллий мажлиси аъзолари, вилоят, шаҳар ва ноҳиялар раислари, уларнинг фарзандлари ва яқин қариндошлари томонидан такроран ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилган ҳолатда давлат хизматидан озод этиш ва олий ўқув муассасаларидан четлаштирилишгача бўлган жазо қўлланилиши қайд этилди.

Барча вазирлик ва идоралар, давлат ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига навбатдаги кузги-қишки мавсумга ҳозирданоқ тайёргарликка киришиш, қиш мавсумини ўтказиш учун барча мавжуд захира ва имкониятларни сафарбар этиш топшириғи берилди.

Тожикистон Республикаси Президенти, мамлакат Ҳукумати Раиси Эмомали Раҳмон, шунингдек, барча вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига баҳорги экин-тикин ишлари, ободончиликни кенгайтириш ҳамда мамлакатдаги об-ҳаво иқлими билан боғлиқ табиий офатлар таҳдидлари олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш борасида топшириқлар берди.

***"Ховар" ТМАА.***

# Суғд вилояти янгиликлари

## ГУЛИСТОНЛИК ЙИГИТЛАР - БИРИНЧИ

Гулистон шаҳрида вилоятда биринчи бўлиб мамлакат Қуролли Кучларига баҳорги чақириқ режаси бажарилди. Шаҳар давлат ҳокимияти ижроия органидан билдиришларича, йигитларнинг кўпчилиги ҳарбий хизматга кўнгилли равишда отланишган. Умуман олганда, навбатдаги чақириқ шаҳарда уюшқоқлик билан ўтган. Бунда она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташнинг қанчалик шарафли эканлиги ҳақидаги суҳбатлар, Қуролли кучлар сафида хизмат ўтаган кишилар, ҳарбий қисмларда бўлиб, фарзандлари учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиб қайтган ота-оналар билан мулоқотлар ҳам муҳим ўрин тутган.

Вилоятнинг Деваштич, Зафаробод ва Шаҳристон ноҳияларида ҳарбий хизматга чақириқ режаси бажарилиш арафасида.

Ашт ноҳиясида эса, йигитларни ҳарбий хизматга тўлиқ жалб этиш мақсадида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилган. Йиғилишда ноҳия раиси Зариф Мирдадо ноҳияда ватанпарварлик бурчини ўташ мақсадида кўнгилли равишда хизматга жўнаб кетаётган ёшлар кўпаяётганини таъкидлаган. Айни бир пайтда ҳарбий хизматга боришдан бўйин товлаётган айрим йигитлар ҳам йўқ эмаслигини айтган. У, айниқса, ноҳиянинг Понғоз, Ашт ва Шодоба қишлоқ жамоатларида баҳорги ҳарбий чақириқ суст бораётганини танқид қилган.

Мазкур йиғилишда ҳарбий хизматга чақириқ борасидаги барча камчиликларни тез фурсатда тузатиш чораларини кўриш борасида қарор қилинган. Худди шундай Конибодом шаҳрида ҳам айрим қишлоқ жамоатларида ҳарбий хизматга чақириқнинг яхши ташкил этилмаганлиги танқид этилиб, бу борадаги камчиликларни тезда тузатиш учун чоралар кўрилган.

## АТЛАС ВА АДРАС КИЯДИГАНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Конибодом шаҳридаги қўлда атлас ва адрас тўқиш таълим-ишлаб чиқариш марказларида тўқилган 17 минг метр газламадан 15 минг метри сотилган. Конибодомлик тўқувчилар Суғд вилояти давлат ҳокимияти ижроия органининг "Қўлда атлас ва адрас тўқиш ва бошқа халқ ҳунарлари мактабини қайта тиклаш ва ривожлантириш" давлат муассасаси масъуллари билан учрашувда ўзлари тўқиётган матоларга талабот борган сари кучаяётганидан мамнунликларини билдиришган.



Ҳозирда Конибодомда 6та қўлда атлас ва адрас тўқиш таълим-ишлаб чиқариш маркази фаолият юритмоқда. Мазкур марказларда миллий матоларни тўқиш билан бирга, 30 нафар устоз 160 нафар шогирдга иш ўргатмоқда.

Конибодом шаҳар давлат ҳокимияти ижроия органидан билдиришларича, атлас ва адрас тўқиш марказларининг очилиши уйда ўтирган ўнлаб аёлларни доимий иш билан таъминлаш имконини берган. Мутахассисларнинг фикрича, вилоят миқёсида атлас ва адрас тўқувчиларнинг танловлари ўтказилиши, ғолибларнинг мукофот билан қадрланишлари, энг кўп шогирд тайёрлаган устозларнинг йирик миқдордаги маблағ билан рағбатлантиришлар қадимий касбга бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтирмоқда.

## ЧИГИРТКА БОСҚИНИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Қишлоқ хўжалигига катта зарар етказувчи чигиртка ва бошқа зарарли ҳашаротларга қарши курашиш учун мамлакатимизда восита ва имкониятлар етарли, лекин курашга куч ва вақт сарфлашдан кўра, хатарнинг олдини олган яхшироқ.

Янги бунёд этилаётган Сайҳун шаҳарчасида қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказувчи ҳашаротларга қарши кураш борасида ўтказилган семинар-йиғилиш қатнашчилари ана шундай қарорга келишди.

"Чигирткага қарши кураш экспедицияси" вилоят давлат муассасаси бошлиғи Абдухолиқ Бобожонов семинар-йиғилиш қатнашчиларига ҳашаротларга қарши кураш техникаси ва улардан фойдаланиш борасида сўзлаб берди. У муассаса ихтиёридаги 17та трактордан зарур бўлганда самарали фойдаланилаётганини айтди.

Абдухолиқ Бобожоновнинг айтишича, зарарли ҳашаротларга қарши курашишнинг самарали бўлиши учун мамлакат ҳукумати мунтазам ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, яқинда дори пуркагич мосламалар билан бирга бешта автомашина, мутахассисларнинг фойдаланиши учун эса, 10та мотоцикл берилган.

Янги келтирилган техника жойларда зарарли ҳашаротларни тезда йўқотиш имконини беради. Автомашиналарга уланадиган дори пуркагичлар билан кунига 200 гектаргача чигиртка босган майдонларни тозалаш мумкин, - деди "Тожикистон Республикасида чигирткага қарши кураш экспедицияси" давлат муассасаси бошлиғи Саидмурод Хайриддинов. Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи Хайрулло Бобозоданинг айтишича, экинзорлар, боғ-роғларни зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш, кўнгилдагидай ҳосил олиш имконини беради ва сифатини яхшилайди.

Семинар-йиғилишда Тожикистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Нусратулло Мусоев, Суғд вилояти раиси ўринбосари Ориф Хожазода иштирок этишди. Вилоят раиси матбуот марказидан хабар беришларича, семинар-йиғилиш иштирокчилари бу тадбирнинг чигиртка ва бошқа зарарли ҳашаротларга қарши курашдаги билимларини оширишга хизмат қилганини изҳор этишган.

## НАЗАРДАН ҚОЧИРИЛМАЙДИГАН МАСАЛА

Олдинги йиллар Ашт ноҳиясида яшаган 42 киши чет элларда норасмий равишда диний таълим олишарди. Айни пайтда улардан 39 нафари Ватанга қайтиб келган.

Ашт ноҳияси маркази - Шайдондаги миллий чойхонада бўлиб ўтган бузғунчиликка қарши кураш мавзусидаги давра столида бу борада ҳам гап борди. Мазкур тадбирда ноҳия ички ишлар бўлими, прокуратураси вакиллари, масжидлар имом-хатиблари, муаллимлар, ота-оналар қатнашишди.

Ашт ноҳияси раиси ўринбосари Жалилий Аниса Абдуллозода сўз олар экан, гарчи кейинги пайтда ноҳияда экстремистик руҳдаги оқимларга қўшилиб қолиш ҳоллари учрамаётган бўлса-да, бу масалани ҳеч қачон назардан қочирмаслик зарурлигини таъкидлади. Ёшлар мақсади бузғунчилик бўлган оқимлар таъсирига берилиб қолмасликлари учун тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш, йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли маданий-маърифий, спорт тадбирларини ўтказишнинг аҳамияти ҳақида тўхталди.

- Турли экстремистик фирқа ва ҳаракатларга ёшларнинг қўшилиб қолмасликлари учун жамоатчилик қўлни қўлга бериб, ҳаракат қилиши зарур. Бузғунчи оқимларга эргашиб кетишининг олдини олиш йўлларидан бири ёшларнинг чет элларда норасмий диний таълим олишларига йўл қўймасликдир. Бунинг учун эса, бошқа омиллар қатори ота-оналарнинг фарзанд олдидаги масъулияти муҳим ўрин тутади. Ўз фарзанди иқболини ота-она унинг ким билан юриб-тураётганини, нималар қизиқтираётганини билиб туриши шарт, - дейди ноҳия давлат ҳокимияти ижроия органининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқа бўлими мудири Зафар Мамажонов.

***Ўз мухбир.***

## Сув – муқаддас неъмат

# ҲАЁТ САРЧАШМАСИ

Азиз Тожикистонимиз истиқлолиятни қўлга киритгач, давлатимиз раҳбарлари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда тоза ичимлик сувига тегишли глобал муаммолар ечимига жаҳон ҳамжамияти диққатини жалб этиб келмоқда.

Тожикистонимиз – жаннатмакон юрт, табиати бой, беқиёс ўлка. Мамлакатимиз Ер юзида тоза ичимлик суви захираси бўйича энг олдинги сафлардан ўрин олган. Олимлар ва мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, асрий музликлар, зилол сувли булоқлар ва бошқа манбалар ҳисобидан Тожикистонимизда тоза ичимлик сув захираси 800 миллиард кубометрни ташкил қилади.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон минтақа ва халқаро миқёсда тоза ичимлик суви муаммоларини ҳал этишга қаратилган қатор ташаббуслар ва таклифларни илгари суриб келмоқда. Президентимиз мазкур муаммоларни ҳал этишга бағишланган таклифларини энг нуфузли халқаро ташкилот – БМТ минбаридан туриб баён этаётганлиги катта жасоратдир. Давлатимиз сарвари бу масалада жаҳон ҳамжамияти, дунё давлатларини ҳамкорликка даъват этмоқда.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон БМТ Бош ассамблеясининг 64-сессиясида сувни тежаб-тергаб сарфлаш, унга боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш хусусида шундай деганди:



- Ушбу юксак минбардан туриб, сизларга яна бир марта Орол денгизини қуритмаслик масаласини эслатишни лозим топдим. Ушбу экологик фожианинг сабаби – бу ҳаддан ортиқ ер майдонларининг пахта ва шоли каби сувга серталаб экинларнинг экилиши учун ўзлаштирилганлигидадир. Айни пайтда юзага келган бундай аянчли вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли, шўрланган майдонларга сарфланадиган сувнинг 30 фоиздан 60 фоизигачасини тежаш мақсадида, минтақадаги мамлакатлар насос иншоотларини тиклаш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этиш талаб этилади. Бу тадбирлар ўз навбатида озуқа танқислиги муаммосини ҳал этишга кўмаклашиши табиийдир.

Табиий бойликларнинг энг муқаддаси, бебаҳоси, шубҳасиз, бу – сув. Сувсиз ҳаётни, тирикликни тасаввур этиб бўлмайди. Халқимизнинг бой тарихига назар ташласак, аждодларимиз ҳам сувга муқаддас неъмат сифатида муносабатда бўлганликларини кўрамиз.

Айни пайтда Ер юзи аҳолисининг учдан икки қисми тоза ичимлик сувидан танқислик сезади. Тоза ичимлик сувининг танқислиги халқаро миқёсдаги муаммо сифатида ҳозиргача бирор-бир нуфузли анжуманда Давлатимиз сарвари кўтаргандек юксак даражага олиб чиқилмаган эди. Башарият Президентимиз ташаббуси билан ўз ечимини топаётган сув муамосига хайрихоҳлик ва умид нигоҳи билан қарамоқда.

Ўтган йилнинг 21 декабрида БМТ Бош ассамблеяси Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон таклифи асосида 2018-2028 йилларга мўлжалланган «Сув – устувор тараққиёт учун» халқаро амалиёт ўн йиллиги Резолюциясини қабул қилди. Шу муносабат билан Давлатимиз бошлиғи ҳамда шарафли халқимизнинг БМТ Бош ассамблеяси раиси Питер Томсон, шунингдек, БМТ собиқ Бош котиби Пан Ги Мун қутлаганликлари мазкур муаммо ечимида Президентимизнинг саъй-ҳаракатларига юксак ишонч билдирилиши эди.

Дарҳақиқат, иқлимдаги кескин ўзгаришлар, Ер юзида аҳоли сонининг ошиб бораётганлиги сув билан боғлиқ муаммоларни янада мураккаблаштирмоқда. Вазиятни юмшатиш йўллари эса, Тожикистон томонидан илгари сурилганлиги халқаро миқёсда оламшумул воқеадир.

Маълумотларга қараганда, Ер юзидаги ҳар олти одамдан бир нафари ёки дунё аҳолисининг 894 миллион нафари тоза ичимлик сувидан танқислик чекади. Икки ярим миллион нафар аҳоли, жумладан, бир миллион нафар болалар санитария жиҳатдан ёмон ҳолатда яшаб, ҳар куни 4 минг нафардан ортиқ гўдаклар сув танқислиги ҳамда ёмон санитария ҳолатида яшаганликлари учун хасталаниб, нобуд бўлмоқда.

Тожикистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми сифатида ушбу муаммоларни ечиш борасида кўплаб хайрли, салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Бевосита Тожикистон Республикаси ва Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон таклифи билан бу йўналишда бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Инсонийлик нуқтаи назаридан ҳам чанқаганга сув тутмоқ азал-азалдан халқимизда катта савоб ҳисобланиб келган. Президентимиз муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг тоза ичимлик суви муаммоларини ҳал этишга қаратилган халқаро миқёсдаги жўяли таклифлари худди ана шу одамийликнинг юксак кўриниши нишонасидир.

Сув – муқаддас ва бебаҳо неъмат. Уни эъзозлашимиз, исроф, ифлос қилмаслик ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Гарчанд азиз Тожикистонимизда Аллоҳнинг бу неъмати мўл-кўл бўлса-да, дарёлар ва чашмаларимиздаги зилол сувлар тараққиётимизга хизмат қилаётган бўлишига қарамай, биз ҳам сувга эҳтиром билан муносабатда бўлиб, Президентимиз ташаббусининг ҳаётга татбиқ этилишида ўз ҳиссамизни қўшишимиз ҳаёт тақозосидир.

***Шоқамбар ПАРДАЛИЕВ,***
***Қабодиён ноҳияси.***

## С. Айний номидаги адабий мукофотга номзодлар

# ТАРЖИМОНЛИК ҲАМ ИЖОД

Румий ва Фирдавсий, Саъдий ва Ҳофиз, Шекспир ва Сервантес, Толстой ва Достоевский, Чехов ва Горкий, Есенин ва Маяковский, Айтматов ва Ғамзатов каби жаҳон адабиёти буюк сиймоларининг битикларини ўз она тилимизда маза қилиб мутолаа этар эканмиз, буларни ким қандай заҳматлар ила бизнинг тилимизга ўгирганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Бошқа тиллардаги сўз санъатининг нозик сеҳрини бизга ўз тилимизда етказишда бир заҳматкаш инсон борки, уни оддийгина қилиб таржимон деймиз, қўямиз.

Шу ўринда, биз ана шундай таржимонлардан бири Омонбой Жуманов ҳақида гапиришни лозим кўрдик ва у киши билан бу борада бир неча марта суҳбатлашишга улгурдик.

Суҳбатлардан бирида Омонбой Жумановнинг бу касбга С.М.Киров номли Ленинобод Давлат педагогика институтида ўқиб юрган талабалик йилларидаёқ меҳри тушганлиги маълум бўлди. У бу ҳақда шундай эслайди:

-Йигирманчи асрнинг 70-йиллари эди. Республикамизда рус адабиёти даҳаси ўтказиладиган бўлди. Ўша пайтда нашр қилинадиган даврий матбуотда рус адибларининг асарларидан парчалар эълон қилина бошланди. Шунга қадар менинг ҳам мақолаларим вилоят, шаҳар газеталарида тез-тез босилиб турарди. Бир куни вилоят газетасининг адабиёт ва санъат бўлими мудири мени ўз ҳузурига чақириб, рус тилини қай даражада билишимни сўради.

-Россияда уч йил ҳарбий хизматда бўлибсиз, рус тилини анча билсангиз керак,- деди-да, қўлимга ёзувчи В.Лесовойнинг бир ҳикоясини берди.

Нариги хонага кириб, мана бу ҳикоядан ўнтача жумлани таржима қилиб келинг, - деди.

Анча уриниб, таржимани бўлим мудири олдига олиб кирдим. Ҳаяжонда унинг жавобини кутдим.

-Укажон, таржимангизни кўрдим, ёмон эмас. Икки кундан кейин бизга ҳикоянинг тўлиқ таржимасини олиб келинг.

Айтилган муддатда мудирга учрадим.

У киши таржимани қўлига олиб, бир саҳифасини диққат билан ўқиди. Кейин кўзойнагини пешонасига қўйиб:

-Майли, яна кўриб чиқаман. Агар лозим кўрсак, декада кунлари газетамизнинг бирор сонида берамиз.

Таржима босилиб чиқди. Уни ўқиб анча хижолат тортдим. Чунки ҳикоя бир оз таҳрир қилинганди.

Бу мен учун бир ижодий мактаб эди. Кейинги таржималаримда оригиналдаги ҳар бир сўз, ибора ва жумланинг тақдири ҳақида анча меҳнат қилишимга тўғри келди. Таржима қилинаётган ёзувчи услубида, унинг тилининг нозик қирраларини иложи борича чуқурроқ англашга, ҳис қилишга уриндим...

Дарҳақиқат, Омонбой Жумановнинг ўзи ҳам бир қанча ажойиб ҳикоялар, бадиий очерклар ("Қисматдан қочиб бўлмас", "Яшашнинг маъноси", "Ваҳдатлик Тўмарис", "Қоравойнинг қора қисмати")нинг муаллифи ҳамдир.

Шу боисдан, у кишини ёзувчилик санъати сирларидан ҳам яхшигина бойликлари - синонимлари, фразеологик бирикмалар, қуйма гаплар, нозик қочирмалар, оҳангларини - ўз назаридан узоқлаштирмайди.

Бунинг исботи учун у таржима қилган Кароматулло Мирзоевнинг "Ота орзусида" (трилогия), Абдулҳамид Самадовнинг "Маҳбус" (қисса), Меҳмон Бахтийнинг "Мўйсафид" (қисса), С.Зарафшонфарнинг "Икки овора" (қисса), Пўлат Толиснинг "Саратон" (қиссасидан парча), Гулрухсорнинг "Сабзбаҳор аёллари" (романдан парча), Сорбоннинг "Ёлғизлик" (қисса), Мажид Салимнинг "Чақноқ юлдуз" (қисса), Жума Одинанинг "Давр айёми" (романдан парча), Раҳим Жалилнинг "Кўнгил ошёни" (романдан парча) каби асарларини ўзбек тилида ўқир экансиз, Омонбой Жумановнинг таржимонлик маҳоратига таҳсин айтгингиз келади.

Яқинда бир адабиёт ўқитувчиси "Ота орзусида" романини ўқиб чиқиб, ажойиб асар эканлигини менга завқ билан гапириб берди ва бундай ўзбек ёзувчиси борлигидан фахрланишини айтди.

- Эй биродар, бу романни ўзбек ёзувчиси эмас, балки тожик ёзувчиси Кароматулло Мирзоев ёзган, - дедим. У ҳайратдан ёқа ушлади. Романни Омон Жуманов ўзбек тилига таржима қилганлигини айтдим.

Адабиёт ўқитувчиси, албатта, Омонбой Жуманов билан таништиришни мендан қайта-қайта илтимос қилди. Бундай ҳаётий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Омонбой Жуманов ўзининг таржимонлик меҳнати ҳақида кам гапириб, бошқа таржимонларнинг меҳнатларига тасанно дейди.

У таниқли тожик ёзувчиси Адаш Истаднинг буюк ўзбек ёзувчиси Абдулло Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини учинчи марта тожик тилига, рус адиби Константин Симоновнинг ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг "Синчалак" қиссасини рус тилига, тожик ёзувчиси Фазлиддин Муҳаммадиевнинг Чингиз Айтматов асарларини тожик тилига таржима қилиш жараёнидаги маҳоратидан ҳайратга тушганини завқлана-завқлана гапириб берди.

Бу ҳолат унинг ўзга таржимонлар маҳоратини ҳам тинмай ўрганаётганлиги, изланишда эканлигидан далолат беради.

Омонбой Жуманов бугунги кунда баъзи бир ёш таржимонларнинг таржимонлик ишига енгил-елпи, юзаки муносабатда бўлаётганлигидан афсусланади.

Таржимонлик оддий, техник меҳнат эмас. У санъаткорликдир. Бошқа тилда ёзилган асарнинг бадиий ифодасига, услубига зарар етказмай ўзга тилга моҳирона ўгиришдир. Шу кунларда Омонбой Жуманов бошқа тилларда чоп этилаётган бадиий асарларни ўзбек тилига таржима этиш билан банд.

Яқинда республикамиз маданий ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди.

Ато Ҳамдам ва Леонид Чигриннинг "Эмомали Раҳмон жасорати" номли бадиий - публицистик асари Омон Жуманов меҳнати билан ўзбек китобхонларига етказилди.

Китобнинг аввалги саҳифасида шундай жумлалар бор:

-"Ушбу китоб мутолаасига киришишдан олдин, эҳтимол, "Китобнинг Эмомали Раҳмон жасорати" деб номланиши муносибми? - деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, муносиб! Тожикистон Президенти йигирма йил давомида амалга оширган ишларни жасоратдан ўзга яна нима деб ҳам аташ мумкин?!"

Бу гаплар Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмон ҳақида айтилган юксак баҳодир.

Бу таржимон Омонбой Жумановнинг энг хайрли ишларидан бири эканлигидан яна бир бор қувониб, унга тасанно айтасиз.

Заҳматкаш таржимон Омонбой Жумановнинг 2015-2016 йилларда тожик тилидан ўзбек тилига ўгирган асарлари Тожикистон Ёзувчилар иттифоқининг Садриддин Айний номли адабий мукофотига тавсия этилиши ҳақидаги қарори кўнглимизни кўтарди.

Дарҳақиқат, таржимоннинг қирқ йилдан ортиқ чеккан заҳмати бу юксак мукофотга арзигулик.

***Б. МЎМИНОВ,***
***адабиётшунос,***
***Душанбе шаҳри.***

# ҲАЙДАР АЛИЕВ ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ

**10 май Озарбайжон халқининг умуммиллий пешвоси, оламшумул сиёсатчи Ҳайдар Алиев таваллуди муносабати билан "Ҳайдар Алиев янги Озарбайжон меъмори ҳамда бунёдкори" номли конкурсга**

### Мустақиллик - гўзал неъмат

Ҳа, юрт истиқлолияти чинданам гўзал неъмат. Аммо бу неъмат қадрига етганлар, етмаганлар бўлди. Озарбайжон ҳам истиқлолияти ибтидосида турли кучлар ҳалқасида қолиб, фуқаролар қарама-қаршилиги авж ола бошлади. Озар халқи бошида пароканда бўлиш хавфи пайдо бўлган оғир йилларда халқнинг бошини бириктира оладиган, жиноятkорлар илдизига болта уриб, қўпориб ташлайдиган, мамлакатда тинчлик ўрнатишга қодир инсонлар лозим эди. Ҳайдар Алиев ана шундай кишилар сирасидан бўлганлиги учун ҳам, у киши Нахичевандан чақирилиб, ҳокимиятни бошқарди. Унинг доно сиёсати натижасида озар халқи фуқаролар уруши хавфидан қутулиб қолди.



### Мозийга қайтиб ёхуд доҳийнинг босиб ўтган йўли

Ҳайдар Алиев ҳаётини нафақат озар халқи, балки бутун собиқ Шўролар Иттифоқи халқлари учун фидо қилган киши эди. У 1923 йилнинг 10 майида Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида таваллуд топиб, вояга етган. 1939 йили Нахичевандаги педагогика техникумини битиргач, Озарбайжон индустриал институтининг меъморлик бўлимида таҳсилни давом эттирди. Бироқ мамлакатда бошланган уруш сабабли олийгоҳни тугатиш имкони бўлмайди.

Бўладиган бола бошидан билинади, деганларидек, унга ёш бўлишига қарамай, масъул ишлар топширилган - 1941 йили Нахичеван Ички ишлар халқ комиссарлигида бўлим бошлиғи, 1944 йили Давлат хавфсизлиги комитети ходими. Бу соҳада узоқ йиллар турли вазифаларда ишлаб келган Алиевни 1967 йили Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитетига раис этиб тайинлашди ва генерал-майор ҳарбий унвони берилди. Бу йиллар мобайнида у Озарбайжон Давлат университетининг тарих факултети, кейинчалик Ленинграддаги КГБ махсус олий мактабини битиришга муваффақ бўлди.

1969 йилда Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси КП Марказий комитети биринчи секретари этиб тайинланган Ҳайдар Алиев Совет иттифоқи миқёсида юқори мансабга кўтарилган - 1982 йили СССР Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси (Политбюро) аъзоси этиб сайланди, СССР Министрлар Совети Раиси биринчи ўринбосари вазифаларида фаолият юритди. Беш йил давомида СССР Олий Совети депутати бўлган ва Олий Совет Раисининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб, Совет Иттифоқи раҳбарларидан бирига айланди.

### Горбачёв сиёсатидан норозилик ва истеъфо

Қайта қуриш даври раҳбарлари олиб бораётган сиёсат халқни боши берк кўча сари олиб бораётганлигини англаб етган Алиев ўз фикрини бир неча марта мамлакат олий раҳбарларига бу сиёсатлари мамлакатнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлиши мумкинлигини айтади. Аммо ўша пайтдаги раҳбарлар ўзлари йўл қўяётган хатоларини англаб етишни истамасдилар. Натижада, 1987 йили Ҳайдар Алиев мазкур сиёсатдан норози шахс сифатида эгаллаб турган вазифасидан истеъфо берди.

Орадан кўп ўтмай, ниҳоятда улкан ва қудратли Советлар мамлакати парчаланиб кетди. Шунда кўп кишилар Ҳ. Алиевнинг узоқни кўра биладиган, оқил, доно сиёсатчи эканлигига яна бир карра амин бўлишди.

### Озарбайжон тарихида янги давр

1990 йили Озарбайжонга қайтган Алиев Нахичеван мухтор вилояти Олий Совети депутати ва мухтор вилоят Олий Совети Раиси сифатида фаолият юритади ҳамда 1992 йили "Янги Озарбайжон" таъсис съездида партия раислигига сайланди.

1993-2003 йиллар давомида мустақил Озарбайжон Президенти сифатида Ҳайдар Алиризо ўғли Алиев жуда кўплаб ишларни амалга ошириб, тарқалиб кетиш арафасида турган халқни бириктирди. Одилона ва оқилона сиёсатни йўлга қўя олди.

У - умри азизини эл учун, халқ осойишталиги, ривожу равнақи йўлида фидо қилган инсон Ҳайдар Алиризо ўғли Алиев том маънодаги етук сиёсатчи, давлат арбоби, нафақат, озар халқи, балки Совет Иттифоқи эллари хотирасида илиқ-иссиқ таассурот қолдирган шахс сифатида тарихда қолажак.

Ҳайдар Алиев ҳокимияти даврида нефтдан оқилона фойдаланилди. Мамлакатга ташқи инвесторлар жалб қилинди. Бу ишга ҳам қаршилар бор эди, ўша пайтда. Улар: - "Каспий денгизи ҳудуди аниқланмагунча Озарбайжон бир баррел ҳам нефт сотмаслиги лозим", - деб ишга халал бериш ниятида баҳона излардилар. Ваҳоланки, СССР Министрлар Советининг 1972 йилги "Каспий денгизини РСФСР, Қозоғистон, Туркманистон ва Озарбайжон республикалари орасида тақсимлаш" ҳақидаги қарори асосида Каспий денгизи ҳудуди аллақачонлар аниқланган ва мазкур 4 давлат орасида тақсимлаб бўлинганди. Шу боис, баъзи давлатларнинг Каспий денгизининг тақсимланиши борасидаги даъволари асоссиз эди.

Шундай қилиб, озар халқи аста-секинлик билан барқарор тинчлик, осойишталикда яшай бошлади. Бу орада, аниқроғи, 1994 йилнинг 20 сентябрида Боку шаҳрининг "Гулистон" қасрида "Аср шартномаси" номини олган жаҳон нефт компанияларaро битим имзоланганди. Ушбу битим Озарбайжон нефтининг экспорт қилинишига, хорижий инвестициянинг Озарбайжонга киритилишига кенг йўл очди!..

Америка Қўшма Штатлари, Канада, Саудия Арабистони, Франция, Туркия Озарбайжонга сармоя киритган илк мамлакатлар саналади.



Ва 1996 йили Озарбайжон илк бор ўз нефтини четга экспорт қилди. Бугунги кунда эса, Озарбайжон йилига 50 миллион барел нефт, 26 миллион куб газ экспорт қилмоқда.

Озарбайжон халқининг яшаш шароити яхшиланди. Бугунги кунда Озарбайжоннинг 10 миллиондан ортиқроқ аҳолиси бошига ички ялпи маҳсулот оборотидан тушган фойда қарийб 2 минг Америка долларидан ортиқроқни ташкил қилмоқда.

Ушбу муваффақиятлар Ҳайдар Алиев олиб борган доно сиёсат самараси эканлигини халқ яхши англайди. Айтиш мумкинки, Озарбайжон Кавказ минтақасида етакчи давлатга айланган. Бу минтақанинг 85 фоиз ички ялпи маҳсулотлари Озарбайжон чекига тушаётганлиги ҳам кўп нарсани англатади.

### Илҳом Алиев ва унинг рафиқаси

Айни пайтда унинг издоши, Озарбайжоннинг амалдаги президенти Илҳом Алиев ҳам мамлакат ички ва ташқи сиёсатини тўғри йўлга қўйган. Унинг бугунги ҳукуматида рафиқаси Меҳрибон Алиева ҳам елкадош бўлиб, биргаликда самарали хизмат қилмоқда. Ўтган йили мамлакат бошқарувида вице-президент мақоми жорий этилиб, унга президент Илҳом Алиев рафиқаси Меҳрибон Алиева тайинланди. Ва бу тайинлов ўзини оқлади.

Бўш пайтларимда Озарбайжоннинг турли - расмий, норасмий телеканалларини томоша қиламан. Уларда эфирга узатилаётган ранг-баранг мавзулардаги намойишлардан бугунги кунда Озарбайжон мамлакатининг гуллаб-яшнаётганини халқ юзида чексиз розилик аломатлари ифодаланиб турганидан сезиш мумкин. Бундан ташқари, Озарбайжон вице-президенти Меҳрибон Алиеванинг серқирра фаолиятини мушоҳада этиб, Президент Илҳом Алиевга ҳақиқий ёрдамчи эканлигини англайсан, киши. Меҳрибон Алиеванинг маориф соҳасига кўмаги, ҳарбий хизмат пайтида яраланганлар ёки шаҳид бўлганлар хонадонига бориб, таъзия билдириши, ваколати доирасида ёрдам қўлини чўзиши… буларнинг барини телевидение орқали кузатарканман, раҳматлик Ҳайдар Алиев пайрав-издошлари ҳам ўзига муносиб, сазовор экан, деган фикр ўтади кўнглимдан.

### Буюклардаги ўхшашлик

Озарбайжоннинг Тожикистон билан кейинги йиллардаги самарали ҳамкорликлари ва бу ҳамкорликларнинг келажакда ҳам кенг кўламда ривожланишига ишонч тобора ортиб бормоқда. Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Озарбайжонга расмий сафарлари ва булар натижасида муҳим ҳужжатлар имзоланиши иккала томоннинг яхши ҳамкорлик тарафдори эканлигига ёрқин мисол бўла олади.

Ҳайдар Алиев эсга олинганда, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон у ҳақда: - «Ҳайдар Алиевнинг номи она-юрти Озарбайжон билан чамбарчас боғлиқ. Мустақил ва суверен Озарбайжон гуллаб-яшнашида, сиёсий-ижтимоий барқарорлик ўрнатилишида, мамлакатнинг ортиб бораётган оламшумул нуфузи - барча-барчасида Ҳайдар Алиризо ўғлининг хизматлари беқиёс. Унинг етакчи раҳбар сифатидаги фаолияти, хизматлари, хотираси халқ қалбида мангу қолажак», - деган эди тўлқинланиб. Бу ҳақиқий баҳо эди, албатта.

Бу қадим дунёда халқни ўз ортидан рўшнолик сари эргаштирган раҳнамолар, етакчи-пешволар жуда кўп бўлган. Жорж Вашингтон, Авраам Линколн, де Голл, Камол Отатурк, Жавоҳарлал Неру, Муҳаммад Иқбол, Эмомали Раҳмон…

Ҳар юртнинг ўз тарихи бор. Ва бу тарихда ёрқин из қолдирган улкан қалбли инсонлар ҳам бўлишади. Озарбайжон ўтмишида озар халқининг том маънодаги ўғлони Ҳайдар Алиризо ўғлининг ўрни ва мавқеи алоҳида кўзга ташланиб туради. Халқни ёруғ кунлар сари етаклаган Ҳайдар Алиев порлоқ хотираси миллионлар қалбида яшайверади!

Буюк инсон Ҳайдар Алиев ҳақидаги мақоламни буюк мутафаккир бобомиз Мир Алишер Навоийнинг одил шоҳлар борасида айтган фикрлари билан тугатмоқчиман: - Адолатли подшоҳ Ҳақ таолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидир: бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир!..

*Абдулло САИДОВ,*
*"Халқ овози".*

---

**"Тожикматлубот" Иттифоқи раҳбарияти диққатига**

# БОЗОРЛАРДА НАРХ-НАВО НЕГА БАЛАНД?!.

Кейинги пайтда бозорлардаги нарх-наволарнинг кўтарилиб кетиши мамлакат аҳолисининг ташвишига сабаб бўлаётир. Чинданам, бир килограмми 1 сомони-ю 80 дирамдан 2 сомонийгача бўлган картошка биратўла 4-4,5 сомонийга нархланиши кишини ўйга солиши турган гап. Апрел ойи бошларида эса, иккинчи нон саналган ушбу маҳсулотнинг нархи пойтахтнинг бир қатор бозорларида бешдан беш ярим сомонийгача баҳолангани рост. Бугунги кунда эса, 3,5-4 сомонийни босиб турибди.



Шуларни ёзар эканман, бундан бир неча йил муқаддам ҳам картошка нархининг бирваракайига кўтарилиб кетгани-ю, собиқ Қишлоқ хўжалиги вазири Қ. Қосимовнинг матбуот анжуманида журналистларга, бу йил мамлакатда 1 миллион тонна картошка етиштирилди, деб қўйгани сабаб, роса "картошка ажиотажи" бўлганлиги ёдимга тушди.

Чинданам, ўша йили мамлакат ОАВ орқали республика картошкапарварлари томонидан жамғарилган ҳосил чўғи жуда баландлиги ёзилар, намойиш этиларди. Бироқ қишга борар-бормас собиқ вазирнинг ҳисоботидаги "бир миллион тонна картошка"нинг уни ҳам, урвоғи ҳам қолмаганди…

Ҳойнаҳой, ҳурматли Қосимовдан кейинги вазирлар бироз эҳтиёткор бўлиб қолишди чоғи, эндиликда ҳисобот пайтида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмини "юксалтирвормаяптилар".

Энди картошка ва бошқа кундалик эҳтиёждаги маҳсулотлар нархининг кўтарилиш сабабларини имкон қадар ўрганиб чиқсак. Гипрозем минтақасидаги "Деҳқон бозор"га юк ташийдиган ҳайдовчилар билан суҳбатлашишга уринаман.

- Ҳе, қўйинг, газетга ёзиб нима қиласиз,- дейди журналист-газетачи эканлигимни билгач, ёши 60ларга бориб қолган қирқмасоқол ҳайдовчи.

Лекин ўзини Солижон Ангишт, дея таништирган 35-40 ёшлардаги ҳайдовчи фикр билдиришга рози бўлди ва:

- Нарх-навонинг қимматлашувига турли сабаблар бор. Масалан, бу йилги қиш мавсумининг ўта совуқ келиши-ю, жанубни шимол билан боғлаб турадиган довоннинг ёпилиши ортидан юк келмай қолди. Иккинчидан, Покистон томонлардан мева-чевалар, картошка ва шу каби маҳсулотлар келтирилаётган йўлнинг Афғонистон қисми нотинчлик туфайли ёпилиши ортидан ҳам нарх-наво кўтарилиб кетди.

… Ўзим ҳар куни ишга қатнайдиган йўлим - халқ тили билан айтганда, Ленинград поворотида "КамАЗ"ларда 70-80 дирамга сотилаётган сабзи ҳам қимматлашиб, бугунги кунда 3 сомонийга сотилмоқда. Тўғри, бугун гарчи "КамАЗ"лар кўринмаса ҳам, ушбу мавзедаги ўнлаб



савдо нуқталаридаги нарх пойтахт бозорлариникидан қолишмайди.

- Сабзи неча пул? - гарчи нархини билсам-да, яна бир бор сўрайман.

- Уч сомоний.

- "Эркак"лаб-чўплаб кетганмасми?

-Йўғ-ей, ака, бу холодилникда сақланган. Холодилникда сақлангани "эркак"ламайди, - изоҳлайди сотувчи.

Ўйланиб қоласан, киши. Ўтган йили фалон-фалон минтақаларда фалон-писмадон миқдорда музлаткич-холодилниклар қурилганлиги ва уларда маҳсулотларни узоқ муддатда сархил ҳолда сақлаш мумкинлиги-ю, баҳорги иликузилди мавсумда эса, бозорларни ушбу маҳсулотлар билан арзон нархда тўлдиришга ваъда бермаганмидик?.. Ва бу ҳақда ОАВ орқали жар солган эдик-ку?..

Анорнинг четдан келтирилгани 50-60 сомоний бўлса, ўзимизники 18-20 сомонийдан пастга тушмаганлиги ҳам - ҳақиқат. Олмани айтмайсизми? Ўзимизда интенсив боғларнинг кўпайиши ортидан четдан олма, нок, нашвати каби мевалар кам келтирила бошланди. Расталарни безаб турганлари эса, ўзимизники! Аммо шу ўзимизникиларнинг ҳам нархи чақиб турибди-да.

Бозорчиларда нега нарх кўтарилган, деган саволга жавоб ҳамма вақт тайёр: доллар кўтарилган.

Тўғри, доллар курсининг кўтарилиши, эҳтимол, импорт товарларга таъсир қилар. Лекин ўзимизнинг мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотга… ҳайрон қоласан.

Энди бозор иқтисодиёти даврида доллар курсининг пастлаб-юқорилаб туриши бор гап. Бир тушади, бир кўтарилади. Кўтарилганда, бозорларимиздаги нарх-наво ҳам маълум бир миқдорда ошади. Аммо доллар курси тушган, бозорларимиздаги нархлар долларга қўшилиб тушмайди-да, тураверади муаллақ бўлиб… Ана шунисига ҳам ҳайронмиз-да.

Дарвоқе, 32-33 сомонийдан сотилаётган гўшт нархи бугунги кунда нақ 38 сомонийни уриб турибди. Гўштхоналар олдида харидорлар камайганлиги, унинг нархи ошганидадир, эҳтимол.

Нима бўлганда ҳам олма, анор, нок, ёғ, гўшт…борингки, барча кундалик эҳтиёждаги маҳсулотларни халқимиз озми-кўпми, еб туриши керак экан. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам ўз баёнотларида бу ҳақда тез-тез эслатиб туради. Аммо нарх-наво бу тахлит осмонга чиқиб турганида халқаро ташкилотнинг ушбу кўрсатмасига амал қилолмай қоламизми, деб қўрқаман.

*Абдулло САИДОВ,*
*"Халқ овози".*

---

# Хатлон вилоятидан хабарлар

### Қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларини ривожлантириш талаби

Хатлон вилояти раиси Давлатшоҳ Гулмаҳмадзода яқинда Фархор ноҳияси аҳолиси билан учрашди. Учрашув фуқароларни қабул қилиш кунлари доирасида бўлиб ўтди.

Ноҳия аҳолиси вакиллари вилоят раҳбарига уй қурилиши учун ер участкалари ажратиш, ноҳиядаги тиббиёт нуқталаридан бирини зарурий ускуналар билан таъминлаш каби саволлар билан мурожаат этишди. Шунингдек, ноҳия ҳудудида амал қилаётган спорт майдончаларига сертификат бериш масаласи ҳам кўтарилди.

Д. Гулмаҳмадзода барча саволларга атрофлича жавоб қайтариб, тегишли қарорлар қонун доирасида қабул қилинишини таъкидлаб ўтди.

Ўша куни вилоят раиси Фархор ноҳияси фаоллари билан мулоқот уюштирди. Унда Д. Гулмаҳмадзода аграр соҳани ривожлантириш зарурлигини қайд қилди.



- Ноҳияда соҳани ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд, - деди Д. Гулмаҳмадзода. – Аммо ҳамма вақт ҳам бу имкониятлардан самарали фойдаланилмайди.

Шунингдек, вилоят раҳбари саноат соҳасини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

- Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ҳамиша саноат тараққиёти ҳамда иқтисодиёт ўсишига хизмат қиладиган ташаббусларни қўллаб-қувватлайди, - деди Д. Гулмаҳмадзода.

Учрашув сўнгида Хатлон вилояти раиси ноҳия раҳбариятига ижтимоий, қурилиш соҳалари, мактаблар таъмири, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ҳамда ўқувчиларнинг ёзги таътил пайтидаги истироҳатларига эътибор қаратиш топшириғини берди.

### Ахборотнинг жамият тараққиётидаги роли

Қўрғонтепа шаҳрида «Ахборот ва унинг жамиятда устувор тинчлик ўрнатишдаги роли» мавзусидаги ахборот хавфсизлигига бағишланган семинар-машварат ўтказилди.

Семинарда Хатлон вилояти раиси ўринбосари Махфират Хидирзода ва Қўрғонтепа шаҳри раиси Амирулло Асадуллолар қатнашди. Тадбирга вилоят шаҳар ва ноҳиялари раислари ўринбосарлари, Маориф ва илм бўлими бошлиқлари, Ёшлар, спорт ва сайёҳлик бўлимлари ходимлари ҳамда имом-хатиблар даъват қилинганди.

- Ахборот жамиятда муҳим рол ўйнайди, - деди семинарда сўзга чиққан Махфират Хидирзода. – У кўзланган мақсадга эришиш воситаси ҳисобланади. Ахборотнинг жамиятда етакчи ўрни борлиги билан бир қаторда, унинг кишилар онгига салбий таъсирини ҳам унутмаслигимиз лозим. Сизу бизнинг вазифамиз аҳолини, айниқса, ёшларни ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишдир.



Семинарда ахборот хавфига қарши воситалардан самарали фойдаланиш тўғрисида сўз юритилди, Айниқса, ахброт сайтларининг мўътадил фаолиятини таъминлаш, даврий матбуотнинг мунтазам чоп этилишини йўлга қўйиш ва шу воситалар орқали бўш қолган ахборот фазосини эгаллаш бугунги куннинг долзарб масаласи эканлиги таъкидлаб ўтилди.

- Биз ўз сиёсий ғоямизда устувор бўлишимиз лозим, - деди М. Хидирзода.

- Ёшларни тўғри йўлга бошқаришимиз – бугунги кун талаби, - деди Қўрғонтепа шаҳри раиси Амирулло Асадулло. – Уларни миллий қадриятларимиз, истиқлолият ютуқлари ҳамда юртимизда ҳукмрон осойишталикни эҳтиром этиш руҳиятида тарбиялашимиз зарурдир.

### Миллий Ваҳдат – энг асосий ютуғимиз

Қўрғонтепа шаҳрида давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи ташаббуси билан «Тожикистон – қадрдон ўлкамиз» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида вилоят раиси ўринбосари Махфират Хидирзода ҳам қатнашди.

- Миллий бирлик – мустақиллик йилларида қўлга киритган энг асосий ютуғимиз ҳисобланади, - деди М. Хидирзода. – Тожикистон бу ўлкада яшайдиган барча миллат ва халқларнинг қадрдон уйидир ва шундай бўлиб қолади. Бу дўстлик рамзи бўлиб, ҳар биримизнинг ифтихоримизга сабаб бўла олади. Тожикистонликларнинг бирлиги ёшларни ватанпарварлик ҳиссида тарбиялашга имконият яратади.



Йиғилиш қатнашчилари олдида, шунингдек, Қўрғонтепа шаҳри раиси аппарати бошлиғи Назир Азимзода, Носир Хисрав номли Қўрғонтепа Давлат университети тарих ва ҳуқуқ кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди Аламшо Пиров ҳамда вилоятда амал қилаётган миллий маданият марказлари вакиллари чиқиш қилишди.

Бундан ташқари, Қўрғонтепа шаҳрида шоир ва ёзувчиларнинг шаҳар аҳолиси ҳамда ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Конференциянинг иккинчи куни Қўрғонтепа шаҳрида Хатлон вилояти миллий ақаллият вакилларининг Маданият ва санъат фестивали бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир ҳам вилоятда Бирлик ва миллий тотувлик байрамининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказиб келинаётган маъракалар сирасига киради.

### «Маърифат карвони» жанубий ноҳияда

«Маърифат карвони» акцияси вилоятнинг энг жанубий – Носир Хисрав ноҳиясида ўтказилди.

Мазкур тадбир доирасида уч кун давомида ноҳия аҳолисига Қўрғонтепа шаҳри тиббиёт муассасалари мутахассислари хизмат кўрсатишди. Шифокорларнинг хизматидан ноҳиянинг 1700 нафар фуқароси фойдаланишди.

Бундан ташқари, ноҳияда турли спорт мусобақалари, концерт дастурлари ўтказилди ҳамда кўргазмалар ташкил этилди.

Бирлик ва миллий тотувлик байрамининг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбир Носир Хисрав ноҳияси аҳолисида катта таассурот қолдирди.

*Ўз мухбир.*

## Эшмуҳаммад Донохонов - 70 ёшда



**Эшмуҳаммад Донохонов Тожикистоннинг ҳозирги ўзбек адабиётида энди илдиз отаётган навниҳолларни ўз бағрига олиб, изғирин довуллар, қаҳратон совуқлар заҳмидан эмин асрагувчи азим чинорлардан бири. Унинг «Кулфат», «Қуюн», «Оёғи ердан узилган аёл», «Кўнгил мулки» каби қиссалари ва «Ўлим бўсағасида» романи ҳамда қатор ҳикоялари ёш ёзувчилар учун ибрат даражасига кўтарилган асарлардир.**

**Бугун табаррук етмиш ёш остонасида бўлган устоз-ижодкоримизни муборак айём билан қутлаш баробарида унинг қаламига мансуб бўлган «Миннат» ҳикоясини муштарийлар ҳукмига ҳавола этамиз.**

*Таҳрир ҳайъати.*

# Миннат

Ҳикоя



Ярим тунда ғала-ғовурдан уйғониб кетдим. Ҳамхоналарим ҳам бирин-кетин бош кўтаришди. Куни-кеча уйига жавоб берилган кишининг ўрнига бир кекса одамни келтириб ўтирғизишгану халатли уч-тўрт эркак-аёл атрофида гирдикапалак. Чолнинг кийимини алмаштиришди. Юрак уриши-ю қон босимини ўлчашди. Укол қилишдими ё ичишга дори беришдими, сўнгра, бирин-кетин чиқиб кетишди. Охиридагиси биратўла чироқни ҳам ўчирди.

Янги киши бурун қоқди. Инқиллаб-синқиллаган бўлди. Бир зумдан сўнг дағал овозда:

-Тур, чироқни ёқ!-деди.

Биронтадан сас чиқмади. Ўрнимдан туриб, чироқни ёқдим. Чол туриб ўтирди. Юзига қарадим-ярим юмилган, чуқур кўзлари мушукнинг думини эслатувчи қалин киприклари тагида базўр кўринарди. Тартибга келтирилмаган соч-соқоли, озғин, чўзинчоқ юзи, эгилган елкаси-ю қотма гавдаси, ёв қараш қилиб тикилишлари негадир менга гоҳ бойўғлини, гоҳ қарғани эслатарди. Бир лаҳзалик салобатли ўтиришдан кейин қовоғини эриниброқ кўтариб менга қаради-да, дағал овоз-ла сўради:

-Ейдиган нима бор?!

Қанақа жавоб қайтаришни билмай, елка қисдим. Бобойнинг қовоғи янада ваҳималироқ осилди. Энди кескин талаб қилди:

-Мен сенга ейдиган нима бор, деяпман?!

-Ейман десангиз, нон, олма-анор бор. Чой дамлашим мумкин.

-Нон, чой-а,-чол жаҳл аралаш ўрнидан турди,-биласанми-қаймоқ ейман, қаймоқ топ! Фронтовик одамман, келиб-келиб куним чойга қолдими?! Ер юзини пошисдан тозалаган одамга эътибор шуми? У эмас-бу эмас, ўртадан диёнат кўтарилган! Диёнат йўғ-е, диёнат йў-ўқ!

Ҳамхоналаримга қарадим. Ашурмат бобо ғазабга келгану тишини тишига босиб жим тургандай эди. Қараганим далда бўлди шекилли, тилга кирди:

-Нима, отамнинг уйига келдим, деб ўйлаяпсизми? Оғайни, бу ерни касалхона дейди, касалхона!

-Бу ерни касалхона деса, бизни фронтовик, дейди. Билдингизми?! Қаймоқ бўлмаса, товуқ шўрва олиб келинглар. Мен шўрва ичаман, шўрва!!! Қорин оч! Уйда кунига камида тўрт мартадан овқат еб юрган одамман.

Ашурмат бобо ўрнидан туриб чироқни ўчирди-ю ўрнига чўзилди. "Фронтовик" чол яна бурун қоқди, одамни ижирғантирадиган даражада томоқ қирди. Сўнгра нималар деб ғудранди, кимларнидир ҳақорат қилди. "Фронтовик"ларга эътибор йўқлигидан зорланди. Бир зум жим қолгач, ялинганнамо оҳангда овоз чиқарди:

-Ҳой бола, ноним бор, дегандинг-ку, биттасини беракол.

Қани яна нима деркин, деган мақсадда ўзимни эшитмаганга олиб, жим ётавердим. Чол яна овоз чиқарди:

-Нонни одамлар молига бериб ётган бир замонда очдан ўламанми-а? Ҳо-ой, халойиқ, ақаллан бир бурдагина нон?!

Даҳлиздаги чироқ шуъласида нимқоронғи бўлиб турган хонага кўз югуртирдим. Чоллар ўрнидан туриб ўтиришибди. "Фронтовик" бобо эса, икки қўлини ҳам боши остига қўйиганича чалқанча ётибди. Битта нон олдиму "фронтовик"нинг ёнига бордим. Оёқ шарпасини эшитди, шекилли, хиёл бош кўтариб қаради ва қўлимдаги нонни кўриб, ўмровидан жой кўрсатди: "Қўй"

Изимга бурилаётган эдим, чол хитоб қилди:

-Энди чой қўй! Овқатниям исит. Тавба, овқат-овқат, дея додлаб ётибман, бу эса, нон кўтариб кепти-я! Қизиқ бола экансан-ку, қоқ нон томоқдан ўтармиди?

Ашурмат бобо ҳассасини олиб, асабий ҳолда полга бир-икки марта урди-да деди:

-Ҳо-ой, аҳмоқ чол! Ётсанг тинч ёт, итлигингни йиғиштирмасанг, шу билан бошингга соламан!

Энди чолнинг овози тинган. "Шунисига ҳам шукур",-дегандай чалпиллатиб нон кавшарди. У ёш болачадай шошилиб-шошилиб нон чайнар, ора-сирада хўрсиниб-хўрсиниб ҳам қўярди. Бир зумдан сўнг хуррак ота бошлади. Ўрнимдан туриб, разм солдим: ҳамон чалқанча ётибди, икки қўлиям боши остида, ўмровида бир парча нон, икки тизза қуённинг қулоғидай тик кўтарилган-баҳузур уйқуга кетганди...

Чол нимаси биландир менга танишдек туюла бошлади. Аммо ўйлаб ўйимга етолмасдим. Шу пайт чол ҳам кўзларини очди. Уни қаерда кўрганман? Ёки у ҳақда бирон кишидан эшитганмидим? Ҳа, ҳа топдим. Эшитганман. Ўрта қишлоқдан урушда бўлмагану "фронтовикман", деб иш битиришга уриниб юрадиган бир киши ҳақида гапиришган эди. Шу эсимга тушиб сўрадим:

-Мабодо, Ўрта қишлоқдан эмасмисиз?

-Во-о, кўрдиларингми?-чол мақтаниброқ хонадагиларнинг ҳар бирига назар ташлаб чиқди. -Қанақа одам эканлигимни билдиларингми? Мана, етти ёт бегоналар ҳам қаердан эканлигимни билишади. Биз геройда, герой!

Бу гапга хонадагиларнинг жавоби ижирғаниш бўлди.

... Эрталаб чой дамлаб стол атрофига тўпланганимизда ҳеч қанақа илтифотни кутиб ҳам ўтирмасдан қай биримизга келтирилган асалдан бўшаган стаканни тумбочка устидан олди-ю, келиб ёнимизга ўтирди-да, менга буюрди: - "Қуй". Ҳали чойни қуйиб улгурмагандим, нон синдириб, асалга ботирди. Сўнгра, гўё олдиндан тайинлаб қўйгандек "овқат қани?!" - деди. Ҳар бир гапни қаҳр билан-ниқтаб-ниқтаб гапирарди. Уруш қатнашчиси эканлигини эса, ҳар икки гапнинг бирида эслатиб турарди.

Шу зайлда кун ўтказавердик... Чол "фронтовик"лигини тинмай пеша қилаверди, пеша қилаверди...

-Ҳой, оғайни,-деди бирида Ашурмат бобо, ўша урушда биз ҳам бўлганмиз. Шунақа ортиқча гапни кам қил-у, дастурхонимизга нима тушса, четидан еб ўтиравер. Аҳмоқона гапни давом эттираверсанг, оқибати яхшиликка олиб бормайди. Келиб-келиб Ватанга миннат қилаяпсан-а, бу-яхшимас!

-Сен мени ким деб ўйлаяпсан, - чол қизишди, - немисни пачка-пачкаси билан қирганман. Бир юзу йигирма битта орден-медалим бор, геройман, ҳим-м, герой!

-Менда ҳам ўша орден-медалдан бир тугуни бор,-деди Ашурмат бобо рўмолчага тугиб қўйилган орден-медалларни кўрсатиб,-ўғилга тайинлагандим, эрталаб келтириб берди.

Нотайин орден-медалларингни яна пеш қилаверсанг, шу билан уриб бошингни майдалайман!

Чол гуноҳ иш қилиб қўйиб, ёши катта одамдан дашном эшитаётган болача мисол бошини қуйи эгганича маъюс тортиб қолди. Бир зумдан сўнг дастурхон атрофидагилардан бирининг қистови билан стакандаги совиб қолган чойни бир сипқоришда ичди-ю, жойига ўтиб ётди.

Тун яримлаганда, у қўққисдан яна тилга кирди:

-Ҳо-ой, аҳли мусулмон? Ким уйғоқ? Мен овқат ейишим керак, овқат! Пошисди уйигача суриб борган одамни бир бурда нонга олишмайди-я! Овқат!... Ф-фу, анаву фронтовикмиш-а, шу гапи ёлғон! Рост бўлса, тарафимни оларди-да. Ким билади, қайси мўлтоними?!

Шу дам Ашурмат бобо ётган ўриндиқ ғичирлади, халтачадаги орден-медалларнинг шалдир-шулдири эшитилди. Сўнгра ўриндиқ қаттиқ силкинди. Назаримда, орден-медаллар солинган халта ҳавода қай бир бурчак томон учиб ўтгандай бўлди ва аввалига "шарқ" этган овоз, сўнгра "фронтовик" чолнинг ўкириги эшитилди. Чироқни ёқдимда, чолга қарадим: кафтлари юзига босилгану панжалари орасидан қон сизиб чиқяпти ва соқоли учидан яккам-дуккам ўмровига томяпти. Ашурмат бобога кечки овқатга ўтириш арафасида ўғли келтириб берган нишонлар халтаси ўриндиқ устида ётарди. Илкис халта соҳибига қарадим: лаб тишлаб, кўз юмганича елкани деворга тираб ўтирар, негадир юзи кўкимтир рангга кириб қолгандай эди...

*Эшмуҳаммад* **ДОНОХОНОВ.**



*Ёзувчи Эшмуҳаммад Донохонов (чапдан тўртинчи) ижодкор дўстлар даврасида. 2014 йил, Душанбе шаҳри.*

# ЮЗ ЁШДА ҲАМ ЕР БОСИНГ, УСТОЗ...

Тожикистон ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бири ёзувчи Эшмуҳаммад Донохонов етмиш ёшга тўлди. Ёзувчининг ҳар бир ҳикояси, қиссаларини китобхонлар севиб ўқийдилар. Ва ниҳоят, "Ўлим бўсағасида" китоби романчилигимиз бисотини бойитишда салмоқли улуш қўшди. Адиб чўнг истеъдод соҳиби, унинг асарлари юксак бадиийлик руҳи билан суғорилган. У киши асар қаҳрамонларининг ички дунёсини, руҳиятини реал ҳаётда кўриб-кузатиб турганимиздек, битишга қодир. Эшмуҳаммад акага Тангри илоҳий бир хислат ато этган, унда баъзи бир нарсаларни олдиндан пайқаш, сезишу ҳис этиш қобилияти мавжуд. Унинг инсонийлик хислати барчага аён: манманликка бормайди, адашганларга йўл кўрсатади. Эшмуҳаммад ака қай бир асарига нуқта қўйса, албатта, мендан ўқиб, фикр-мулоҳаза билдиришимни сўрайди. "Қуюн", "Кўнгил мулки"нинг қўлёзмасини илк бор камина ўқиган. "Ўлим бўсағасида" романининг қўлёзмаси уйимга кириб келганида, устознинг ўзи хонадоним меҳмони бўлганидай қувонган эдим. Устоз ҳаётни чуқур англаб етган инсон, ҳар бир кишининг ички дунёси-ю, хатти-ҳаракати қанақалигини кузатув чоғида очиқ-ойдин айта олади. Рус халқида: "Одамнинг хислатини билмоқчи бўлсанг, у билан бирга бир пуд тузни баҳам кўр", деган мақол бор. Эшмуҳаммад ака бу миқдордаги тузни баҳам кўрмай туриб, ҳар бир инсоннинг хулқ-атвори, фазилати қандайлигини айта олади. Бу даражага етиш адибнинг улкан истеъдод соҳиби эканлигидан.

"Бир кафт тупроқ" - бу Эшмуҳаммад аканинг қаламига мансуб битик. Иқтидорли ёзувчи ижодининг моҳиятида Ватанни севмоқ, юрт тупроғини муқаддас тутмоқлик аксини топган.

Севги-муҳаббат мавзусидаги "Кўнгил мулки" асари китобхонлар қўлидан тушмаяпти. Адибнинг бу асари қаҳрамонлари-Бекпўлату Бибилойиқнинг бир-бирига муомаласи чоғида кўзлар тўқнашиб, эҳтиросли лаҳзалардан баҳраманд бўлишлик ҳоллари такрорланаверган. Вужудларда балққан севги ҳиссиёти муҳаббатни ошкор айлашда тиллар тўнгиб, диллар эса, ҳамон интиқликда депсинаверган, депсинаверган. Бекпўлат ва Бибилойиқнинг муҳаббати бир умр кўнгилларда мулк бўлиб қолган. Хаёлий мулоқотлар оғушида кўнгиллар бир оз бўлса-да, таскин олаверган.

"Бибилойиқнинг кўнглида ўкирик яна бош кўтарди. Ва у ўз соҳибининг бардоши измида сувга айланиб кўз косаларини лиммо-лим қилди. Сўнгра шашқатор бўлиб, ёноқлари узра сизиб туша бошлади. Бекпўлат бу ҳолни кўргани йўқ, орқа ўгириб турганда ҳис қилди. Беихтиёр ўзининг ҳам кўзларига ёш қуйилиб келди. Ва уни Бибилойиқдан пинҳон тутмоқ ниятида "хайр", дея отнинг бўйнига кафт қоқди. Жийрон қашқа оҳиста ўрнидан қўзғалди.

-Йўқотганингиз қанақа мол эди,-деди Бибилойиқ ўзини базўр қўлга олиб. -Болалар келса қараттирардим.

Бекпўлат от жиловини тортди. Аммо изига бурилиб қарамади. Шу ҳолда туриб жавобини айтди: -Қўй, болаларни овора қилма, Бибилойиқ! Ҳе-ей, Бибилойиқ, хом сут эмган банда эканмизда. Бир ўй билан келган эдим, яна бир ўйга бориб қайтиб кетяпман. Болаларингга айтмай қўя қол! Мен йўқотган мол-мас, гавҳар. Гавҳарни топган одам бировга берадими?!

Ҳе-ей, Бибилойиқ, Бибилойиқ!

Бекпўлат кўнгил оғушида гавҳарга талпиниб яшади, гавҳар бу - Бибилойиқнинг ўзи. "Гавҳарни топган одам бошқа бировга берармиди?!". Бу гапни Бекпўлат тилига биринчи марта кўчирди. Гавҳар Бекпўлат учун табиий жавоҳир, ноёб нарса эмас, умри давомида кўнглида мулк бўлиб, қалб оромини йўқотган севгилиси, муҳаббати, гавҳару дурдан-да, бебаҳо - Бибилойиқ эди.

"Ўлим бўсағасида" романи бугун китобхонлар қўлида. Асарда Абдуназар чолнинг болалар даврасидаги ҳазил-ҳузул гаплари қаламга олинган. Гурунглашувда чол ўзини руҳан тетик ҳис этган, энг аввало, ўзининг айтганидай - ғийбатдан, гумондан фориғ тутиб нафас олган чолга болалар даврасига кириб гап бериш - яратган Эгам ато этган феълу фазилатнинг гарови. Чолнинг ўзи ҳам шу эзмалигини била туриб: - ...Феълимдан нолимасам ҳам бўларкан: бировнинг ғийбатини қилишдан, икки дўстнинг орасига низо даритиш-у қай бир беимонларга ялтоғланиб юришдан бу қилиғим минг бор афзал эмасми?-дея кўнглига таскин беради.



Абдуназар чол бўласи кўнглида: -"Худони ўртага қўйиб дўст тутиниш қанақа бўлишини энди билдим,-деган фикр кезинди. -Орага жон тикилар бўлса-дўст топилмай қолади, дегувчилар бўларди. Имонлининг дўсти-ёлғиз Аллоҳ, дейишганларини билардик. Энди билдим, раис бобом ҳаёти учун жон тикилиши керак бўлганда - бўла тикаркан. Имонли одам бандаси йўлида ҳам жон тикиши лозим экан. Имонсизи эса, ўзига ҳам дўстлик қилолмас. Дўстлик қилолганида, у дунёлигини куйдириб юрмаган бўларди". Абдуназар чолнинг раис ошнаси билан қанақа дўст тутингани борасида бўласи чуқур маънода фикр-андиша юритган. Бундан чиқди, чин дўст, агар Абдуназар чолдек имони бутун бўлса, ошнаси ўлимини эшитса, ярим эмас, машинада икки соатлик йўлда ҳам йиғлаб, "уф" тортиб, йиғи зўридан хўрсиниб борарди. Аммо, овоз чиқармас.

"Ўлим бўсағасида" романи юзасидан суҳбатимиз давом этарди:

-Абдуназар чолнинг феъли ажабтовуру унинг кимлигини билган одам учун эҳтиромга лойиқ инсон. Чол бирон ёққа отланмоқчи бўлса, сафар сабабини сўрагувчиларга: -"Ўлим бўсағаси сари судрамоққа уринаётган кексалик таъқибидан қочиб юрибман",-деса, бошқа бирига турган жойида ҳассасини ерга ниқиб: - "Бу қора ер эртами-кеч мени босиши аниқ, унгача мен уни босиб қолайин", дейди, - дея устоз гапида давом этди. -Биз англасак, барчамиз ўлим бўсағасида юрибмиз, тавба қилдим, тўсатдан кор-хол бўлиб қолса, ажал етиб турибди-да! Шундай, ўлим бўсағасидамиз, вақти соати келиб, ўлим инсон бўсағасидан ҳаллайди. Ўлим бўсағамизга келгунча, Абдуназар чол айтганидай қора ерни босиб юриш тақдир хатига битилгани узоқ бўлсин.

-Босинг, юз ёшда ҳам ер босинг, устоз! - дея ҳаётда қўлимни тутиб йўл кўрсатган азиз инсонимга юрак тўридан отилиб чиққан самимий тилагимни изҳор этдим.

*Имомқул* **ЭШМУРОДОВ.**

# Мард йигит

## "Булар афсона эмас" туркумидан

## Ўзгалар истеъдодини эътироф этиш ҳам истеъдоддир.

*А. РАБИЕВ*

Одамлар турфа, турлича... Бирови у ёки бу кишининг ютуғидан боши кўкка етса, бошқа бировининг пешонаси тиришади.



Эшмуҳаммад ака биринчи тоифали ижодкорлар сирасига киради. Шу ҳақда икки лавҳа.

Таниқли ёзувчи, таржимон, шоир ва танқидчи Салим Зарафшонфарнинг "Икки овора" қиссаси камина таржимасида Хўжанддаги "Шарқнома" журналида (№3, 2013 й) босилиб, муштарийларга тарқатилгандан сўнг, иш юзасидан иқтидорли ёзувчи, асар муаллифининг амалига, номига қараб эмас, балки ёзувчининг маҳоратига, санъатига қараб баҳолайдиган, қум орасидаги тилла зарраларини синчковлик билан топа оладиган Эшмуҳаммад Донохонов билан телефонда гаплашдим. Асосий гаплар айтилиб, хайрлашув чоғида у киши: - Ҳожи ака, Салимжоннинг журналда босилган қиссасини ўқидим. Жудаям яхши. У кишини менинг номимдан табриклаб қўйинг, - деди.

Шунда суҳбатдошимни саволга тутдим.

-Эшмуҳаммад ака, адибдаги қайси хусусиятлар сизни ўзига тортди?

-Асардаги фикрлар пишиқ. Қиссани ўқийсиз, нигоҳингиз қоғозда, лекин кўз олдингизда уруш даҳшатлари бор бўйига намоён бўлиб туради. Қаҳрамонларнинг ҳар бир характери асосий ғоя ечимига қаратилган. Айниқса, асарда баёнчиликдан нишон ҳам йўқлиги мени мафтун этди. Воқеалар хатти-ҳаракат ила ўз тасвирини топган.

***Эшмуҳаммад ака шундай деб ёзади:***

-Тожик адибларининг улкан вакилларидан ҳисобланмиш Абдурофе Рабиев ҳикояларидан беш-олтитасини мен ҳам таржима қилгандим. Айримлари Ўзбекистон матбуотларида ҳам чоп бўлган эди. Кейинчалик бу адиб асарларини Омонбой ака Жуманов ҳам таржима қила бошладилар. У кишининг бадиий битикларини ўз таржималарим билан қиёслаб, Омонбой ака ишида талай афзалликлар борлигини англадим. Шу сабаб, Омонбой акага: - Таржимонлик сизга ҳалол. Абдурофе Рабиевдан таржималарим ёдгорлик сифатида ўзимда қолар, қилган ишларингизни нашр қилдираверинг, - дея маҳоратига қойиллик билдиргандим.

*("Халқ овози", 2017 йил 20 апрел)*

*Омонбой* **ЖУМАНОВ.**

## Ватан сизни унутмайди

# ЯХТАНЛИК ҚАҲРАМОН

Биз ҳикоя қилаётган қаҳрамон ҳақида баён қилишдан олдин, уларнинг боболари, авлодлари, уруғ-аймоқлари ҳақида билганимизни эслатишни ўзимизнинг бурчимиз, деб билдик. Ўтмишга назар солдик.

-Яхтан бир вақтлар Ўратепа уездининг Самарқанд губерниясига кирган бир қишлоқ



бўлган. Бу қишлоқда Мирбобо оқсоқол уезд губерниясининг икки вакилидан бири бўлган. Турмуш ўртоғи Нурбиби она билан биргаликда беш фарзандни тарбиялаб вояга етказган. Катта ўғли Мирёқиб, Мирзиё, Мираброр, қизлари Умринисо ва Рухсатойлардир. Мирёқиб бобонинг фарзандлари Ўринбек, Зиннатой, Ҳумайро, Қутфият ва Жўрабеклар авлодлар давомчилари бўлган.

-Ҳикоямиз бош қаҳрамони оиланинг тўнғич фарзанди Ўринбек суронли 1917 йилнинг ёз ойларида туғилган. Ота-онасидан эрта жудо бўлиб, оғир шароитда вояга етган. 1934 йили оила қуриб, 1935 йили ўғил фарзанд кўради. Ва ўғлига отасининг исмини, яъни Мирёқиб деб исм қўяди. Оиласи Анварой оғир шароитда бола тарбияси билан машғул бўлиб, колхозда ҳам ишлайди.

-1937 йили Ватан хизматига чақирилиб йигитлик бурчини Озарбайжон республикасининг Баку шаҳрида ўтайди. Хизмат вақтида Финляндия урушида қатнашади ва урушдан сўнг, 1941 йили Бокуда хизматни давом эттириб, муддат тугагач, жонажон она-қишлоғи Яхтанга қайтади.

-Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига уруш бошлаганида, ўз ихтиёри билан июн ойида яна СССР қуролли кучлари сафига қайтади. Хизматнинг оғир синовларида тобланган, чиниққан ватанпарвар жангчи минамиётчи бўлиб, урушнинг охирги кунигача жангларда қатнашиб, мардонавор курашган.

-1945 йил апрел ойининг бошларида Днепр дарёсини кечиб ўтишда миномётчи Ўринбек Ёқибов, бўлим бошлиғи душман взводларини йўқ қилишда оғир жароҳат олиб, госпиталда табобатга ёткизилади.

"Красная звезда" газетасида 1945 йил 22 апрелда И.В.Сталин фармони билан Днепр дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган жасорати учун Ўринбек Ёқибовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони Ленин ордени ва кичик лейтенант даражаси берилади.

-Оғир аҳволда госпиталда ётган старшинага бу хушхабарни бирга даволанаётган беморлар етказадилар ва табриклайдилар. Ўлим билан олишув онларида жангчи қаҳрамон Ўринбекка ҳамдард бўлиб, ҳаётга қайтарган рус қизи Берта Констовна доимо бемор олдида бўлиб, уни меҳрибонлик билан даволайди.

Ҳаёт мактабининг оғир синовлари, урушнинг шафқатсиз кунларида соғ-омон қолиш - бу катта бахт. Шу боис бўлса керак, бир-бирини тушуниб етган Берта Констовна билан Ўринбек Ёқибов бир-бирига бўлган муҳаббат ва садоқатлари туфайли фурсат ўтмай, турмуш қуришади.

-Даволаниб яна сафга қайтгач, фашистлар Германиясини тор-мор қилиб тугатгандан кейин, Москва ва қизил майдонда Ғалабанинг шонли парадида 9 май куни тожикистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони олдинги сафларда ўтади.

-Уруш тугагандан кейин, ватанга қайтиб келиб, ўша вақтдаги Ўратепа ноҳиясида ягона қаҳрамон деб, халқлар билан бир неча тадбир, байрам, йиғин ва учрашувларда қатнашади. Халқнинг севимли фарзанди деб, Ўратепа ноҳиясининг фуқаролар мудофааси бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Кўнгил қўйган рус қизи Берта билан Яхтанга келиб яшайдилар ва



икки нафар фарзандли бўладилар.

Катта ўғиллари Мирёқиб, биринчи оиласидан ва иккинчи оиласидан Валерий ва Дилбаройни тарбиялаб вояга етказадилар.

-Валерий Ленинград политехника институтини тугатиб, Душанбедаги музлаткич заводида бош мутахассис, кейин госпланда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Иттифоқ барҳам берилгандан кейин, Москва шаҳрига кўчиб кетади. Союз-контакт бошқармасида ишини давом эттиради ва ҳозир нафақада.

-Қизлари Дилбар - Ленинграддаги 1-мактабни тугатиб, Москвадаги Ломоносов университетини битириб, Душанбедаги Октябр ноҳиясида ЛКСМ, яъни комсомол котиби муовини бўлиб ишлаган.

1978 йили Москва шаҳрига кўчиб кетади.

Патрик Лумумба университетида бир неча йил дарс беради. Фан номзоди. Ҳозирда нафақада бўлса ҳам, иш фаолиятини давом эттирмоқда.

Катта ўғиллари Мирёқиб ака Яхтан қишлоғида умргузаронлик қилиб, "Межколхозстройда" ишлаб, 1990 йилнинг январ ойида узоқ давом этган касалликдан кейин вафот этган.

- Ҳукуматимиз унга ишониб топширган ҳар қандай вазифани сидқи дилдан бажарди. 1947 йилдан 1968 йилгача Ленинобод шиша заводида директорлик вазифасида, 1968-1987 йиллар давомида Душанбе ғишт заводи раҳбари бўлиб, нафақага чиққан. Нафақадан кейин, «Тожиккўмир» корхонасида омбор мудири бўлиб ишлаган. Оғир давом этган жигар хасталиги сабаб, 1989 йилнинг 8 мартида Душанбе шаҳрида вафот этди.

Қаҳрамоннинг номи абадийлаштирилган. Ўзи туғилиб ўсган қишлоқда, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари хиёбонида бюстлари қўйилган, фермер хўжалигига, ноҳия кўчаларидан бирига номи берилган.

-Шу ўринда, таъбир жоиз бўлса айтиш лозимки, Ғончи ноҳияси бундан бир неча йиллар муқаддам Ўратепа ҳозирги Истаравшанга қарашли бўлган, йиллар ўтиши билан номлар ўзгариб, бугунги кунда Ғончи ноҳияси Деваштич ноҳияси номи билан аталди. Халқнинг севимли фарзанди кўрсатган қаҳрамонликлар янги авлодларга намуна бўлиб қолаверади. Биз ҳамқишлоқлар шундан фахрланамиз ва ўз ифтихоримиз, деб биламиз.

-Тинч осойишта давлатимизни қўриқлашда ҳарбий хизматга чақирув пайтларида Яхтан қишлоғи ёшлари ноҳияда биринчи ўринда туришади. Ўз ихтиёрлари билан Ватан чегараларини қўриқлашга отланадилар. Ҳозирда ўндан ортиқ яхтанлик аскарлар ҳарбий хизматда.

-Ҳарбий қисмларда қолиб, бугунги кунда ёш аскарларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда раҳбарлик қилаётган полковник Охунзода Ихтиёр, капитан Охунов Ифтихор, лейтенант Хидиралиев каби кўпчилик ҳарбий хизматдан кейин қолиб, она-Ватанимиз ҳимояси учун сидқи дилдан хизмат қилиб келишмоқда.

Яқинда қаҳрамон Ўринбек Ёқибовнинг 100 йиллик юбилейи тадбири ўтказилади. Бу тадбир ёш авлод хотирасида абадий муҳрланиб қолади.

Яхтанликларда барча тожикистонликлар каби Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг одилона сиёсати, оталарча ғамхўрлигини ҳар бир оила аҳли тушуниб етган. Юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин, баланд байроғимиз доимо ҳилпираб турсин.

***Ҳикматулло ОХУНОВ,***
***Тожикистон соғлиқни сақлаш аълочиси, нафақадаги олий тоифали шифокор, Деваштич ноҳияси.***

## √ Буюк Ғалаба - 72 йил

# ХОТИРА БОР ЭКАН, ТИРИКДИР ИНСОН

**То қуёш осмонда порлаб тураркан,**
**Осмондай мангусан, эй она-халқим.**
**Ҳар бир фожиага, ҳар бир шарафга,**
**Баҳо бермоққа ҳам ёлғиз сен ҳақли.**

*Х. ДАВРОН.*

Собиқ Шўролар мамлакати таркибидаги бир қатор мустақил давлатларда, жумладан, Тожикистон 9 май муҳим сана – Буюк Ғалаба кунини нишонлайди. Бу унутилмас кун тарихда умумхалқ тантанаси, совет халқининг Германия фашистлари устидан қозонилган ғалабаси, Улуғ Ватан урушининг якун топганидан хабар берувчи артиллерия тўплари овози билан барчани қутловчи қувончли байрамдир.

Буюк Ғалаба куни ўша машъум йилларда инсонлар қандай оғир кунларни бошларидан кечирганларини ҳамиша эслатиб туради… Ушбу кунда Ватан ҳимояси учун жангларда ўлимга тик борганларни, ўзининг фидокорона меҳнати билан ғалабанинг яқинлашишига ҳисса қўшганларни, мамлакат шонини кўтарган инсонларни алоҳида ҳурмат ва чексиз фахр билан эсламоғимиз керак. Бу бизнинг умумий ғалабамиздир. Бу қутлуғ кунда, аввало, уруш қатнашчилари ҳамда Ватан ҳимояси учун фронт ортида хизмат қилганларни ҳам йўқламоқ керак.

Давр ўзгарди. Одамларнинг яшаш шароити-ю тараққиёт босқичи ҳам энди бошқачароқ. Аммо ўтмиш воқеалари, тарихнинг изтиробли ва аламли кечмишлари ҳам кун сайин ортда қолиб кетмоқда. Лекин нима бўлганда ҳам, тарих ўз номи билан тарихда. Ундан юз ўгириб, унутиб бўладими?..

Дунёни ларзага солган, инсоният бошига ажал уруғини сочмоқчи бўлган фашист босқинчиларининг тор-мор этилганига ҳам 72 йил тўлади.

Аммо бу ғалаба бошқа миллат вакиллари қаторида Тожикистон халқи учун ҳам жуда қимматга тушди. Ҳаётнинг ширин нашидаларидан баҳраманд бўлиш насиб этмаган не-не жасур йигитлар етдим деганда йиқилдилар. Ёр васлига муштоқ бўлиб, чимилдиқда кунлар, ойларни санаган келинчакларнинг фарёди оламни тутди…




Уруш даҳшатлари ортда қолди. Эндиликда тарих янги-янги манбалар билан ўз саҳифаларини тўлдириб бормоқда.

Қайсики жамиятда инсон қадри, унга бўлган меҳр-оқибат кучли бўлса, у жамият бир маромда ривожланади. Шу ўринда, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг юртимизда кўтаринки руҳда нишонланаётган барча байрамларда инсоний қадриятлар асосида қариялар уйлари, кам таъминланган оилалар ва етимларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар анъана тусига кириб бўлган. Жумладан, 2016 йилги Ғалаба байрами арафасида Ҳукуматимиз раҳбарининг махсус фармони билан иккинчи жаҳон уруши фахрийларига ва фронт ортида қаҳрамонлик кўрсатган меҳнаткашларга 2 минг сомонийдан пул маблағи ажратилганлиги эса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида шу хилдаги ёрдамнинг энг юқори кўрсаткичи эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шундай экан, ҳалиҳануз юракларни ҳайратга ва мунгли туйғуларга чулғайдиган тарихий кун ҳақида, бу урушда ҳалок бўлганлар, бедарак йўқолганлар ёки минг бир азоб чиғириғидан ўтиб, тирик қайтган инсонларни хотирлаш ва ҳурмат қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бешафқат вақт уруш иштирокчилари сафини тобора камайтириб бормоқда. Аммо биздан кейинги авлодлар юрагида уларнинг хотираси қолиши керак. Улар унутилган кун тарихимизнинг бир саҳифаси дунё юзидан ўчди, деган гап.

Хуллас, ғалаба фахрийларининг фронтда қон кечиб ўтказган умрлари, ота-она, ака-ука ва фарзандлари айрилиқлари эвазига эришган ғалабаси эса, олий ҳурматга сазовордир. Уларнинг ғалабаси абадий байрам бўлиб қолажак. Шундай кунларни эслаш билан юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етмоғимиз керак. Зеро, жангчи шоиримиз Аширмат Назаров таъкидлаганидек:

**-Тинчлик доим**
**бўлар барқарор,**
**Ватанимиз таянч байроқдор.**
**Халқлар яшар дўст**
**ва бахтиёр,**
**Тинчлик менинг**
**виждонимдадир.**

***Ҳайтали БОЕВ,***
***«Халқ овози».***

## √ Саломатлик ==========

# Сил касаллигидан қандай сақланиш мумкин?

Сил касаллиги юқумли бўлиб, касал одамдан соғлом кишига ҳаво орқали юқади. Сил касали билан оғриган бемор йўталса, акса урса, балғам туфласа ва гапирса атроф-муҳитга сил микробларини тарқатади ва бу микроблар сил касалини юқтирувчи ҳисобланади.

Соғлом одам бу ҳаводан нафас олса, касалликка дучор бўлади, аммо ҳамма соғлом кишиларга ҳам бу касал юқавермайди. Баъзи соғлом организмлар касалликка қарши курашиб, уни юқтирмаслиги мумкин.

Сил ирсий касаллик эмас.

**Касаллик белгилари:**

1. Икки ҳафта ва ундан зиёд вақт давомли йўталиш;
2. Мадорсизлик;
3. Иштаҳанинг йўқолиши;
4. Одам вазнининг камайиб кетиши;
5. Бадан ҳароратининг кўтарилиб кетиши;
6. Кечалари терлаш;
7. Кўкрак қафасининг оғриши.

Ўзингиз ё яқин кишиларингизда шундай касаллик белгилари сезилса, дарҳол минтақавий дўхтирларга мурожаат қилинг ва уч марта ташхис учун балғам топширинг.

Агар табобат қоидага амал қилган ҳолда олиб борилмаса, одам ногирон бўлиб қолиши, ҳатто, вафот этиши мумкин.

Касалхонадан чиққан бемор атрофдаги кишиларга хавфли ҳисобланади. У минтақа тиббий муассасасида белгиланган муддат бўйича тўлиқ табобат олиши ва тиббиёт ходимлари назорати остида бўлиши керак. Силга қарши дори-дармонлар бепул берилади.

**Сил касалининг олдини олиш йўллари:**

1. Уй ҳавосини мунтазам алмаштириб туриш, нам латта билан хонадаги ашёларни ҳар куни артиш;
2. Йўтал, акса уриш пайти оғизни рўмолча билан ёпиш;
3. Жамоат жойларида балғам тупурмаслик;
4. Соғлом турмуш тарзини олиб бориш (майпарастлик, тамаки чекишга ружу қўймаслик, баданни чиниқтириб, куч-қувватни ошириш).

Сил касали белгилари пайдо бўлган кундан мутахассисга мурожаат қилиш, ўз вақтида даволаш, касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича асосий йўлдир.

Эсингизда сақланг!

Сил касаллигига дучор бўлган беморларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш сизнинг ҳам бурчингиздир.

*Ю. Хамаев, МЗБС директори.*
*М. Жабборов, МТТҲС директори.*
*М. Холов, МТТҲС мутахассиси.*







**Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.**

## НАФАҚАДАН СОЛИҚ ОЛИНАДИМИ?

***САВОЛ:***

- Ассалому алайкум, ҳурматли редакция ходимлари! Мана икки ой бўлдики, нафақага чиқдим. Лекин ўтган йиллардаги фаолиятимни ҳисобга олган ҳолда, тегишли муассасаларнинг менга тайинлаган нафақаси ўртача миқдорда. Шунга қарамай, шукр қилиб ўтирибман. Бироқ бир киши: - Сизга бериладиган нафақадан ҳам фойдадан олинадиган солиқ ушлаб қолинади, - дейди. Шу тўғрими? Аниқлик киритсангизлар.

*"SMS" орқали келган саволдан.*

***ЖАВОБ:***

- Айни пайтда Тожикистонда нафақаларни тайинлаш, олиш ва тўлаш масаласида бирор тушунмовчилик жойи йўқ. Чунки нафақа тайинлаш ва уни олиш, қолаверса, унга боғлиқ барча масалалар қонун томонидан белгилаб қўйилган. Шундай экан, яна қонунга мурожаат қиламиз.




Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикаси фуқароларини нафақа билан таъминлаш тўғрисида"-ги қонунининг 8-моддасига мувофиқ, барча турдаги нафақа маблағлари солиқлардан озод этилган. Шу жумладан, фойдадан ундириладиган солиқдан ҳам. Янада аниқроқ бўлиши учун эса, ўша модданинг иккинчи бандини иқтибос келтирамиз: "Нафақадан солиқ ундирилмайди".

*Ш. ХОЛМУРОДОВ, адвокат.*

**Тожикистон Республикаси Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси Абдужаббор Раҳмонзодага**

**ОТАСИ**

**оламдан ўтганлиги туфайли чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Бу мусибатли кунларда марҳумнинг яқинлари, қариндош-уруғларига Яратгандан сабру бардош тилаймиз. Илоҳо, марҳумнинг охирати обод бўлсин!**

*«Халқ овози» газетаси таҳрир ҳайъати.*

## ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

*БАРҲАМ МЕХЎРАНД*

Ширкати комили "Мусо-1", ки бо РЯМ 1010002932 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Лахш 12.10.2016с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

***

ҶДММ "Ҳоҷи-Шодихон", ки бо РЯМ4010004955 ва шаҳодатномаи №0260360 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Ёвон 11.06.2013с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро катъ менамояд.

*ЭЪТИБОР НАДОРАД*

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Махмадов Ахкомиддин Боқиевич, ки бо РЯМ 3330002060 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Ҷ. Балхӣ 11.01.2010 с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

## Илтимос, хабар диҳед!

**Шиносномаи АА № 7009061, ки онро ШКД-и ноҳияи Сариосиё, вилояти Сурхондарёи Ҷумҳурии Ўзбекистон ба номи шаҳрванд Раҳмонова Муаззамхон Эркиновна додааст, дар ҳудуди Ҷумҳурии Тоҷикистон гум шудааст. Аз онҳое, ки шиносномаи мазкурро пайдо мекунанд, хоҳишмандем ба рақамҳои телефонии 93-503-63-23 ва 907-77-63-23 хабар диҳанд.**

**Мукофотпулӣ кафолат дода мешавад!**

*Рўзномаи «Халқ овози» ҳар гуна эълонҳоро бо нархҳои дастрасу арзон бо забонҳои ўзбекӣ, тоҷикӣ ва русӣ чоп мекунад. Барои ин шумо ба рақами телефони мазкур мурољиат намуданатон лозим аст.*

*Тел: 2-38-55-70*

*«Халқ овози» газетаси турли хил эълонларни арзон ва қулай нархда ўзбек, тожик ва рус тилларида чоп этади. Бунинг учун сиз қуйидаги телефон рақамига мурожаат этишингиз лозим.*

*Тел: 2-38-55-70*

Шоир Абдумажид Бойхонов оламдан ўтди…

Ўша куни ҳаво бирдан совиб кетди. Осмон саратон хасталигининг сўнгги босқичини бошдан кечираётган оғир бемордай бир турли бўзариб кетган, булутларнинг туси кулдан-да кўримсиз эди.

Жаноза ўқилиб, тобут одамларнинг елкасига минганида, битта-яримта ёмғир томчилай бошлади, кейин кучая борди.

Биз яқин-ўртада бу музофотда дафн маросимига бунчалик кўп одам йиғилганини кузатмаган эдик. Халқ денгиздай чайқалар, келувчиларнинг кети узилмасди. Улар орасида ҳар қўярда-қўймай Қашқадарёга тўйга олиб борди. Тўйхонада тумонот одам, бутун Китоб шаҳри аҳолиси кўчиб келганга ўхшарди. "Тожикистондан шоир Бойхонов ташриф буюрибди", деган гап-сўзлар қанот ёзди. Ҳайратландик. "Бунақа айрича мулозаматни ўзингиз атайлаб, ташкил этган чиқарсиз-ов", - деб луқма ҳам ташладик. Шоир кулиб қўяқолди. Оқшом базмида санъаткорлар унинг шеърларини қўшиқ қилиб айтишганида, қашқадарёлик биродарларимиз шеър тинглаш учун уни қайта-қайта саҳнага чорлашганида, фахр ҳисси дилимиздаги чала гумонни ҳайдаб солган эди.

# ШЕЪР АЙТАВЕРАР У, ТУФРОҚОБОДДА...

хил касб эгалари, ишбилармонлар, олимлару шоирлар, косиблару деҳқонлар ҳам… бор. Ҳатто, қўл қовуштирганча, кўз ёши тўкиб турган рус кишиларини кўриб, юракларимиз қалқиди.

Ажабо, Турсунзода шаҳри пучмоғида туғилиб ўсган Абдумажид Бойхонов, айтайлик, оламшумул кашфиётларга қўл урган таниқли зот эмас эди-ку! Буюк ақидаларга асос солган мутафаккир ҳам эмасди. "Саркорқишлоқ афсонаси" деб номланган юпқагина насрий китобини инобатга олмаганда, "шоир" лақабига эга бўлатуриб, то ҳануз бирорта шеърий мажмуасини-да ватандошларига тортиқ қилишга улгурмаган эди.

Беихтиёр одам боласини дўппини олиб қўйиб, жўяли мушоҳадага ундовчи, ўша азалий ва абадий ҳақиқатлар ёдга кела бошлайди. Ҳатто, кўкдаги юлдузни узиб беришга қодир қудратга эга эсанг-да, иш-аъмолинг умум майл-хоҳишларига ҳамоҳанг бўлмаса, одамийлик гузарларидаги беадоқ шитобчиранишларинг бир пуллик тош босмай қолаверар экан. Зеро, бировнинг эмас, улуснинг баҳосигина, ажабмаски, Тангрининг баҳосига ҳамоҳанг чиқса…

Абдумажид Бойхонов оддийгина математика фани ўқитувчиси эди. Нафақага чиққанига ҳам ҳали бир йил тўлиб-тўлмаганди. Унинг бой педагогик тажрибасидан қолишмайдиган яна битта маҳорати бор эди. Тўйларда раислик қилар, эл маъракаларига шукуҳ киритар, узоқ эсда сақланадиган қилиб ўтказиб берарди. Тўй мавсумларида одамлар ўртасида "талаш" эди, у. Шодон базмларни суядиган бу муборак шаҳарда Бойхонов бош суқмаган, ёш келин-куёвларга саодат тиламаган, жарангдор шеърлар айтмаган хонадон йўқ эди ҳисоби. Бугина эмас, қўшни мамлакатнинг кўпгина кентларида ҳам қадр топган эди. Қайси йилиям биз, уч-тўрт нафар биродарларини



А. Бойхонов дилбар шеърлар битарди. Хўб ёзарди-ю, кўп ёзмасди. Баъзан уни "дангаса шоир"га чиқарардик. Кўнглига олмасди. "Қўлимдан келгани шунча бўлса, ортиқ нима қилай!?." дея ўзини оқлашга ўтарди. Балки чиндан ҳам шундай бўлгандир. Шеърнинг туғилиши биз ўйлаганчалик осон эмаслигини тушунмасмиз, эҳтимол…

Шоирнинг ўз дунёси бор эди. У ана шу олам саҳнасидаги хушрафтор, хушкалом ровийга ўхшарди. Шеър ёзаркан, ўзи айтмоқчи, ҳеч қачон чиройли сўзлар "илинжида" бош қотирган эмас. Дилбар иборалар, гўзал ташбеҳлар унинг қалбида туғилиб, вояга етгувчи эди. Тинглаб кўринг-а:

***-Бу ҳаётнинг қисмати шу - тусланганлар яшаркан,***
***Ўздан кечиб, турфа ролни хушлаганлар яшаркан.***
***Баланд бўлиб, паст этагин ушлаганлар яшаркан,***
***Ҳатто, расо, етук зотни бундан омон топмадим.***
***Ҳаёт-саҳна, ундан четда қолганларга ёмондир,***
***Машаққатдир яшаш кимки, дилда шоҳи имондир.***
***Кўзда ёш-ла кулганлар бил, бундай ролдан омондир,***
***Гарчи бу ҳам саҳна десанг, унда ҳамон топмадим.***

Ёхуд қуйидаги тўртликлар фалсафий бўлиқлиги ҳеч бир шеърхонни бефарқ қолдирмаса, не ажаб.

**ШОИР ЁДИ**

***Умрингдан бор бўлса, кўраверасан,***
***Бошингни ҳар тошга ураверасан.***
***Бу ҳаёт саҳнида тошлар беҳисоб,***
***Билсанг ҳам тоғ сари бораверасан***

***

***Эй дўст, кўнгилдаги армон беҳисоб,***
***Туғилар ҳали кўп, ишон беҳисоб.***
***Орзуинг рўёбин излаб яшагин,***
***Бўлмаса, сен каби ҳайрон беҳисоб.***

***

***Дунёга бир чивин келди-ю кетди,***
***Унинг борлигидан кимга наф етди.***
***Ўзин фил санаган чивинлараро,***
***Бирор сўз айтмадим, мендан не кетди.***

Ҳаётнинг қора рангларидан парҳез тутувчи, нохуш кечинмаларни дилхуш туйғуларга айлантиришга уринувчи, нимтатир ҳодисотларни атир ифорларига чайиб, пешкаш этишга тутинувчи зиндадил шоир азалий қадрдони, улуғ устози, марҳум Алимардон Шоймардонов тилидан ёзган "Руҳ шукронаси" номли шеърида "мудҳиш атама"-"қабристон" сўзига "чап бериб", "туфроқобод" деган тушунчани муомалага олиб кирган эди. Қулоқ солинг-а:

***Бунда тенглик, бунда барча озодлик,***
***Йўқ амал, на бойлик, зулму бедодлик.***
***Фақир ҳам, тақир ҳам туфроқободлик,***
***Бизни ёд этганлар обод бўлсинлар.***

***Илоҳий салтанат… Ҳақ ва адолат…***
***Икки йўл - жаҳаннам ва турар жаннат.***
***Ажримиз салмоғи суд қилар фақат,***
***Бизни ёд этганлар обод бўлсинлар…***

Азалдан ёшлар муҳитида умргузаронлик қилиб келган эмасми, ишқий шеъру ғазаллар қироатига суяги йўқ эди. Ёши "бир жойга" бориб қолаётганига ишора қилиб, "инсоф"га чақирмоқчи бўлардик уни.

"Ўн гулимдан ақалли бирови очилсин, кейин… ўзим биламан!" - дея қаҳ-қаҳ отиб кулишга тушарди раҳматлик.

Аллоҳнинг иродаси экан, ўпка раки либосидаги беомон ажал уни орамиздан эрта олиб кетди. Энди ўша гуллар унинг… туфроғи узра кўкка интилажакдир. Ўнта эмас, ёниқ назмий тароналар рамзи бўлмиш беҳисоб рангоранг гуллар анвойи бўй таратиб, шоир дўстимизнинг дилбар шахсиятидан ҳикоялар сўзлаб туражакдир, иншооллоҳ…

*Абдужалил ҒАФУРОВ,*
*Акрам ИКРОМОВ, Турсунзода шаҳри.*

**Миннатдорчилик сатрлари**

# Меҳрибонлар бор бўлишсин дунёда

Юртимиздаги осойишталик, дастурхонларимиздаги тўкин-сочинликни кўриб, буларнинг барчаси энг бебаҳо неъмат - тинчликнинг самараси эканлигига шукроналар айлаймиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришибдики, у кундан-кунга тараққий этиб, гуллабяшнамоқда. Халқ турмуш тарзи яхшиланиб, ҳар бир киши учун муносиб ҳаёт тарзи яратиб берилмоқда. Халқнинг қайси қатламига қараманг, ёшлар дейсизми, нуронийларми, барча-барчаси раҳбарлар диққат марказида. Айниқса, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Жаноби олийлари олиб бораётган адолатли сиёсатдан биз ногиронлар ҳам миннатдормиз. Чунки Президентимиз томонидан аҳолининг камтаъминланган қатлами саналган ногиронлар, қаровчисиз қолганлар ва кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, улар учун яратиб берилаётган қулайликлар, ижтимоий ва тиббий ёрдамларнинг чегараси йўқ. Қайси бир ноҳияга бормасин, аввало, у ердаги ногиронлар ва ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиб, ўша ноҳия раҳбариятига бу борада кўплаб топшириқлар беради. Қувонарлиси, ҳар бир



байрамларда етим-есирлар ва кексалар учун совғалар улашади. Бу хайрли амали билан бошқаларга ҳам ўрнак бўлиб келмоқда.

Камина ҳам I гуруҳ ногирониман. Шундай бўлса-да, ҳар доим раҳбарларимизнинг кўмагидан баҳрамандман. Биздек ногирон ва ёрдамга муҳтож кишилар учун моддий ёрдамдан ҳам кўра, бир оғиз ширин сўз нақадар қадрли эканлигини ўзимизгина биламиз, холос. Шу боисдан, кўпчилик кўнгли яримлар, ёрдамга муҳтож кишилар номидан мен ҳам севимли газетамиз "Халқ овози" орқали шахсан давлатимиз раҳбари муҳтарам Эмомали Раҳмон Жаноби олийларига ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Бундан ташқари, Президентимиз ишларини жойларда давом эттириб келаётган раҳбарлар, жумладан, Хатлон вилояти раиси Давлатшоҳ Гулмаҳмадзода ва Турсунзода шаҳри раиси Сижоуддин Саломзодаларга ҳам алоҳида раҳмат айтмоқчиман.

Мен "Садои Душанбе" радиосини доимий равишда тинглаб келаман. Унинг Сурайёи Шужоат ва Фирузжони Карим каби ширин сўзли журналистлари ҳам каминага кўп ёрдам бердилар. Ногирон бўлганлигим боис, шифокорлар ҳузурига тез-тез қатнаб тураман. Дардимни енгиллатиб, кўнглимни кўтариб, ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзадиган турсунзодалик шифокорлар - Иномжон Узоқов, Музаффар Каримов, Мухтор Собиров, Хуршед Каримов, Ҳамроқул Қудратов, Муъдин Раҳматов ва ҳамширалар Зулфия Ҳодиева, Шаҳло Ҳайитоваларга ҳам ўз миннатдорчилигимни етказмоқчиман.

Шундай саховатли, кўнгли очиқ, меҳрибон кишилар бор экан, биз ҳеч қачон ўзимизни ёлғиз сезмаймиз.

*Мунира РАҲМАТОВА,*
*Турсунзода шаҳри,*
*I гуруҳ ногирони.*

**√ Бошдан кечирганлар айтсин**

Севимли газетамиз "Халқ овози"да "Бошдан кечирганлар айтсин" рукнида бериладиган мақолаларни ҳамма севиб ўқийди. Бу мақолалар дардманлар учун бир қўлланма сифатида хизмат қилади ичилади. Шунда қон босими пасайиб, қанд касали давосига ҳам фойда беради.

Халқ табобатида лимон қон босими ошиши (гипертония) ва қандли диабетга қарши ишлатиб келинган. ниб келинганлиги тарихдан маълум. Хусусан, машҳур табиб Абуали ибн Сино "Ал-Ваҳия" рисоласида ҳам лимон шираси, меваси иштаҳани очувчилиги, кўнгил беҳузур бўлиши олдини олишини қайд қилган. Бундан ташқари, лимон шираси кўзга тушган гул, доғлар, сариқ бўлишни бартараф қилади. Лимон пўсти қорин бодини суради.

Абдумансур Ҳиротийнинг қайд этишича, лимон оғиздаги ёмон ҳидни йўқотади ва

# ЛИМОН қанд касалини даволайди



меъдага куч бағишлайди. Лимон уруғи эса, чаён чаққанда даволашда асқотади.

Муҳаммад Ҳусайн Шерозийнинг таъкидлашича, киши тана ҳарорати кўтарилганда, лимонни қирқиб пешонага босилса, уни пасайтиради.

Лекин уни оч қоринга истеъмол қилмаслик керак.

десак, хато бўлмайди. Инсон дардга чалинар экан, қандай даволаниш ва тезда соғайиб кетиш йўллари ҳақида ўйлайди.

Халқимизда: - Табиб табиб эмас, бошдан кечирган табиб, - деган нақл бор.

Лимон Тожикистонимизнинг ҳамма жойларида ўсади. Унинг бир туп катта ниҳолидан 1500-2000 дона ҳосил олиш мумкин.

Қўшнимиз доимо қандли диабет ва қон босими ошиши касалидан азият чекиб келарди. Унинг нақл қилишича, қон босими кўтарилиши ва қанд касалининг олдини олиш учун лимонни майда тўғраб, бир литрлик банкага солиб қўйилади. Бироз асал ҳам аралаштирилади. Бир кеча-кундуз сақлангач, ундан ҳар саҳар ва кечқурун овқатдан олдин бир чой қошиқдан Беморлар ҳар куни 2-3 мартадан яримта ёки бир дона лимонни пўсти билан есалар, фойдадан холи бўлмайди. Қандли диабетга чалинган кишилар лимоннинг пўстини қайнатиб ичишлари лозим. Бу қайнатмани салқин жойга қўйиб, ҳар куни 2-3 қошиқ ичиб туришсин. Лимон пўсти ва ширасининг асалга аралашмасидан кишида қора доғларни йўқотишда ҳам фойдаланилган. Шарқ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиёда қадимдан буён лимон мевасидан фойдала-

Ҳозирги замон тиббиётида ҳам лимондан кенг фойдаланилмоқда. Унинг таркибида С ва Р витаминлари кўплиги аниқланган. С витамини инсон организмидаги заҳарли моддалар таъсирини пасайтириб, танани бақувват этади.В витамини ситостерин, холестерин нормал ҳолатда бўлишини таъминлаб, (склероз) паришонхотирликдан сақлайди.

*Жайлов ҲАСАНОВ,*
*Панж ноҳияси.*




**Ҳурматли билимдонлар!**

**Саволлар газетамизда мунтазам бериб борилмоқда. Бир ой ичида тўғри жавоб йўллаб, туҳфамизни қўлга киритинг.**

1. Бир неча йиллар аввал у Буюк Британияда 18 ёшга тўлмаган, 60 ёшдан ошган ва ҳомиладор аёлларга берилмасди. Ҳозир эса, умуман йўқолган. **У нима?**

2. Мармар қолдиқларидан ҳосил бўлган қумни кўз олдингизга келтиринг. Қадимда мармардан олинган қумларни 9 маротаба қайнатиб, кукун ҳолатига келтирилган. Сўнг ундан бир мақсадда фойдаланишган. Савол: қандай мақсадда?

3. Йўл ҳаракати қоидалари автомобиллар ихтиросидан анча олдин ҳам бўлганига ишонасизми? Ҳатто, Юлий Цезар даврида ҳам бундай қонунлар бўлган. Агар Цезар қонунлари ҳозир ҳам ўз кучида бўлганида, жуда кўп ҳайдовчилар нафақат автомобил, балки велосипед ҳам ҳайдай олишмасди. **Цезар қонунида нима тақиқланганини айтинг.**

4. Қуруқликдаги энг катта жонзот бу-фил. Фил броконерлар томонидан суяги учун овланади. Болаларининг уларга кераги йўқ. Броконерларда етим қолган 4-5 ойлик фил болаларининг жуда кўплари тезда нобуд бўлади. Чунки уларнинг қулоқ пардалари нозик бўлиб, унга микроб тушиб, касалланиб ўлади. Агар онаси ҳаёт бўлса, улар бу касалликка чалинишмайди. **Ҳурматли билимдонлар, айтингчи, ёлғиз қолган фил болалари нимадан касалланади?**

5. Венгр халқида шундай бир ўхшатиш мавжуд: - Суҳбат буғдой, узум ва каноп устида қизийди. Буғдой - нон, узум - вино ё шарбат. **Хўш, унда каноп нима?**

**Ҳурматли муштарийлар!**

**Тўғри жавобни 93-343-22-73 телефон рақамига ёки abdurazokova@bk.ru электрон почтасига SMS орқали юборишингиз мумкин. Жавоб йўллаш муддати - бир ой.**

халқ овози

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ. Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке. Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель: Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

Бош муҳаррир Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

Таҳрир ҳайъати:
*Раҳмон Озода Эмомали* - ТР Президенти Ижроия аппарати раҳбари
*Абдужаббор Раҳмонзода* - ТР Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
*Ўлмас Жамол* - шоир
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. Э. Шукуров. (1-4 саҳ.)*
*2. А. Мирзааҳмедов. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: И. Маҳмадалиев.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru
Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 3 май соат $17^{30}$
Тиражи 6103 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.